

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:**

ЭРГАШЕВ БЕҲЗОД БАХОДУРОВИЧ

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ
КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230901-«Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д. проф. Каримов А.А.**

ТОШКЕНТ-2014

	Мундарижа	
	Кириш.....	4
1 боб.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий асослари.....	9
1.1.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни	9
1.2.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ҳамда ҳуқуқий асослари.....	24
2 боб.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг амалдаги ҳолати.....	34
2.1.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар устав капитали ҳисобининг хусусиятлари.	34
2.2.	Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар солиқ имтиёзлари ҳисоби.....	48
2.3.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш.....	59
3 боб.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари.	75
3.1.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби самарадорлигини ошириш йўллари.	75
3.2.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.....	86
	Хулоса.	94
	Иловалар.....	98
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	104

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш устувор вазифалардан бири бўлиб турган бир шароитда, хорижий инвестициялар -таракқий эттиришнинг, аҳоли фаровонлигини ва бандлигини ошириш, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг бош дастаги ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида юртимизда олиб борилаётган оқилona инвестицион сиёсат, хорижий инвестициялар учун яратилган қулай шароитлар, берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялари натижасида иқтисодиётимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг натижасида, фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар хўжалик жараёнлари ва тадбиркорлик фаолияти ҳам такомиллашиб, халқаро даражага тобора яқинлашмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини жаҳоннинг ривожланган, рақобатдош корхоналар даражасига кўтариш, хорижий инвестицияларнинг ҳақиқий модернизация омили бўлиб ҳизмат қилишини таъминлаш масалалари, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизимини ҳам такомиллаштиришни муқаррар этиб қўйди. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизимини такомиллаштириш, бир томондан корхоналар жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини кучайтириш учун зарур бўлса, бошқа томондан юртимизга киритилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарасини оширишга хизмат қилиши керак. Бугунги кунда, Республикаимиздаги

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т.:Ўзбекистон, 1996, 124-бет.

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизимини халқаро стандарт ҳамда меъёрлардан маълум даражада фарқланганлиги, улардаги ҳисоб тизимини замон талаблари даражасида ташкил этилмаётганлиги, амалиётда ҳисоб масалаларида турлича талқинлар учраб турганлиги туфайли, хорижий инвесторларнинг шаффоф ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳам етарлича қондирилмаяпти. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, амалиётда мавжуд юқоридаги масалаларни ҳал этиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ муаммолар бўйича ўзининг муҳим ҳиссаларини қўшган хорижлик олимлари қаторига К. Сирополис, Дэн Штайнхофф, Джон Берджес ва рус иқтисодчи-олимларидан А.С.Бакаева, П.С.Безруких, В.Г.Гетьман, К.М.Гарифуллина, В.И.Петрова, О.В.Рожнова, В.А. Терехова, В.И.Ткач, А.Н.Хориналарни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистонда илмий тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимлар сифатида А. Ибрагимов, А. Каримов, Д. Ғозибеков, С. Тошназаров, К. Ахмеджанов, О. Жумаев, Б. Бердиёров, Б. Маматов, Э. Носиров, К. Шарифхўжаева, Ш. Шоюсупов, У. Азизов, Ж. Норбоевлар ишларини кўрсатиш мумкин.

Иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби тизими масалалари амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳамда ушбу соҳадаги иқтисодий адабиётларда тўлиқ ўзифодасини топмаган. Демак, бу мавзу чуқур илмий изланишлар олиб бориш кераклигини тақозо этади.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисоби тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилган ҳолда ривожланган

мамлакатлар тажрибасига таяниб, ушбу тажрибани Республикамиз шароитига мос тадбиқ қилиш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Асосий мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- Қўшма корхоналарни мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, аҳамияти ва уларни ташкилий асослари ёритиш;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг амалдаги ҳолати таҳлил этган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби тизимидаги амалий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш йўлларини кўрсатиш ;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсияларни шакллантириш;

Диссертация предмети ва объекти. Мазкур диссертациянинг ўрганиш объекти “Natioanal Plast” хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхона фаолияти ҳисобланади. Диссертация предмети эса, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир ҳисоб ҳужжатлари ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Илмий изланишнинг назарий методик асосларини хорижий ва ўзбек иқтисодчи олимларнинг бухгалтерия ҳисобига доир асарлари ташкил этади.

Диссертация предмети тадқиқ қилишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Солиқ Кодекси, Хўжалик-процессуал Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликларнинг шу соҳага тааллуқли бўлган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ривожланишини акс эттирувчи статистик ахборотлар, корхоналарнинг

йиллик ҳисоботлари, шунингдек илмий журнал, рўзномаларда чоп этилган мақолалардан фойдаланилди.

Ушбу маълумотлар асосида диссертация мавзуси абстракция методи, киёсли таққослаш методи, тизимли ёндашув методи ва эмпирик методнинг график усули ёрдамида тадқиқ қилинди.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ахборот шаффофлигини ошириш усуллари кўрсатиб берилди;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби самарадорлигини ошириш йўллари аниқланди;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби тизимидаги амалий муаммолар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, баён қилинган фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлардан иқтисодий олий ўқув юртларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисоби бўйича фанларни ўқитишда фойдаланилиши мумкин. Бундан ташқари келтирилган амалий таклифлар хориж инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизимини такомиллаштириш учун қўлланилиши мумкин бўлади.

Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида илмий ишнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий аҳамияти ва янгилиги, назарий ва услубий асослари ҳамда ўрганилганлик даражаси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи бобида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари ҳамда жаҳон тажрибаси ҳақида сўз юритилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг амалий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи бобида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш тўғрисида хулосалар ва амалий тавсиялар берилган.

1-боб. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий асослари.

1.1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлигига қарамадан юртимизда инвестицион муҳитни яхшилаш, мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш натижасида иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва унинг салбий таъсирини бартараф этишда юртимиз иқтисодиёти учун энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида ҳам хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига кенгроқ жалб этиш вазифаси қўйилган эди.²

Шубҳасиз бугунги кунда инвестициялар устувор йўналишларини белгилаб олиш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш, рақобатдош махсулотлар ишлаб чиқариш учун инновацион технологияларга инвестицияларни йўналтириш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, юртимизда инвестицион сиёсатни ўзаро манфаатли ва самарали тарзда олиб бориш белгиланди. Инвесторлар томонидан мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб олиниши, инвестиция лойиҳаларининг иқтисодиётни зарур тармоқлари бўйича киритилиши Ўзбекистонни хорижий инвестициялар киритилиши учун қулай мамлакатга айлантирди. Хусусийлаштиришнинг дастлабки йиллариданоқ, давлатимиз хорижий инвесторлар билан самарали шерикчилик муносабатларини ривожлантириб келмоқда.

² Каримов И.А., Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон. 2009. -56 б.

Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидаги йирик инвестицион лойиҳаларда иқтисодий потенциални комплекс ривожлантириш, инсон омили, янги инновацион ғоя ва технологияларни жалб этишни фақатгина самарали хорижий шерикчилик таъминлаб бериши мумкин.³

Мисол учун,⁴(1- илова)

Бундан ташқари шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Халқаро ЮНКТАД ташкилотининг жаҳон инвестициялари бўйича ҳисоботида кўрсатилишича, Ўзбекистон ўтиш иқтисодиётида бўлган мамлакатлар ичида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилиш бўйича 11 ўринда турибди.⁵ Бу ижобий натижа албатта. Жаҳон молия бозорларида давом этаётган таҳликали вазият давом этишига қарамасдан, юртимизда хорижий инвестициялар ўсиш суръаиларини сақланиши ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган комплекс чоралар натижасидир. Халқаро инвестиция бозорларига назар соладиган бўлсак, ЮНКТАД ташкилотининг эълон қилишича жаҳонда 2012 йилда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми 1 524 млрд АҚШ долларини ташкил этган ва бу кўрсаткич инқироздан олдинги давр кўрсаткичидан 25 % га камдир.⁶

Таққослаш учун айтиш мумкинки, охириги йилларда юртимизда ўзлаштирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳажми ўртача 9 -12 % ошиб бормоқда ва йиллик 3 млрд. АҚШ доллардан кўпроқ маблағни ташкил этади. *2012 йилда иқтисодиётимизда хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар сони 4,2 мингдан ортиқроқни ташкил этади. Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг 26,6 фоизидан кўпроғи уларнинг хиссасига тўғри келади.*⁷

³ Д.Ғозибеков, Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвес-тицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2007 й., 92 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилдаги мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 -йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 18.01.2013 й.

⁵ Халқаро конференция материаллари. «О роли и значении малого бизнеса и частного предпринимательства в реализации социально-экономической политики в Узбекистане», 12-14 сентября 2012 й Тошкент. Петко Драганов нутқидан, ЮНКТАД ташкилоти./ uza.uz интернет портали

⁶ <http://www.investopedia.com> -ЮНКТАД ташкилотининг йиллик ҳисоботининг интернет портали

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 15.04.2012 й., ПФ-443 сон.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш зарурки, хорижий инвестициялар рақобатдош иқтисодий шакллантириш учун зарур модернизация жараёнини жадаллаштирувчи дастакдир ҳам. Бугунги кунда иқтисодийтимизда олиб борилаётган асосий модернизация лойиҳалари хорижий инвестициялар ёрдамида кечмоқда. Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий юксак самарали асбоб ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса муҳимдир.⁸

Бундан ташқари хорижий капитал иштирокида ташкил этилаётган корхоналар ўзида инновацион ғояларга асосланган кам ҳаражат ва тежамкор лойиҳаларни акс эттириятти. Бу эса, ўз навбатида жаҳон бозорларига кириб бориш импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарурдир. (3- илова)

Умуман олганда юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, модернизация шароитида хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишнинг зарурияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, хорижий сармоялар юртимизда пухта ишлаб чиқилган инвестицион сиёсат натижасида айнан чет эл капиталли зарур бўлган тармоқларга киритилмоқда. Бу эса, иқтисодий потенциални оширишнинг деярли имкони бўлмаган соҳаларга хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ёрдамида ўзаро манфаатли шартларда модернизация учун туртки бермоқда.

Иккинчидан, хорижий сармоялар киритилиши натижасида маҳсулот таннархи пасайишига эришилмоқда. Бу ишлаб чиқариш ресурсларни тежаш электроэнергия ва ёқилғи маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш натижасида амалга оширилмоқда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012-йил якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // press-service.uz Ўз.Рес. Президентининг расмий портали.

Учинчидан, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар инновацион ғоялар ва ноу-хауларни кенг жалб қилганлиги сабабли мамлакатимиз иқтисодиёти учун янги турдаги тадбиркорлик шакллари юзага келтирмоқда. Бу ўз навбатида янги ишчи ўринлари яратилишига олиб келади.

Тўртинчидан, хорижий капитал ёрдамида корхона иқтисодий ва молиявий салоҳияти ишлаб чиқариш ресурслари оборот маблағлари оширилмоқда. Бу жаҳон бозорида рўй бериб турадиган тебранишлар даврида миллий корхоналаримизни рақобатдошлигини оширади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда хорижий инвестициялар иқтисодиётимизнинг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон ўз олдига жаҳоннинг рақобатдош мамлакатлари қаторига қўшилиш вазифасини қўйган экан, хорижий сармоялар самарадорлигини ошириш уларни иқтисодиётдаги зарур бўғинларга кенгроқ жалб этиш масалалари юзага келаверади.

Хорижий сармояларнинг жалб этилиши ўз навбатида мулкчилик шаклларининг турли-туман янги кўринишлари билан юзага келади. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг бир қанча шакллари амалиётда мавжуд бўлишига қарамасдан, мамлакатимизда ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги ташкил этилаётган тадбиркорлик шаклларининг аксарияти **хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналардир.**

Жаҳон амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак **“сармоялар иштирокидаги корхоналар”** атамасининг турли хил талъқини кўришимиз мункин. Машхур **“Wikipedia”** луғатига мурожаат қиладиган бўлсак, ушбу атамага қуйидагича таъриф келтирилган:

“Хорижий сармоялар иштирокидаги корхона норезидент мулкдорлар томонидан корхона (юридик шахс) ташкил қилиш орқали, халқаро меҳнат тақсимотига иштирок этиш шаклидир. Бунда иштирокчилар турли мамлакатлардан биргаликда мулк киритадилар, биргаликда бошқарувни амалга оширадилар, фойда ва таваккалчиликни тақсимлайдилар.

Халқаро иқтисодий алоқалар соҳасида биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти тури ҳисобланади.”⁹

Халқаро **WTO** ташкилотининг илмий журналида ушбу тушунча куйидагича таърифланган :¹⁰

“Хорижий сармоялар мавжуд бўлган тижорат ташкилоти - бу юридик шахс кўринишида инвестицияларнинг бирлашуви бўлиб, икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан ташкил этилади. Улардан камида бири хорижий резидент ҳисобланиб, қабул қилувчи давлат (реципиент давлат) ҳудудига тижорат фаолиятини амалга ошириш мақсадида инвестицияни амалга оширади.

Мамлакатимизда хорижий сармоялар кириб келиши жадаллашуви билан хорижий сармоялар иштирокидаги муносабатларнинг ҳуқуқий ва назарий асосларини белгилашни тақозо этди.

1998 йилда 30 декабрдаги қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида” қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон) 3-моддасида **“Хорижий сармоялар иштирокидаги корхона”** атамасига аниқ таъриф олишимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги **чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар** деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар, уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад

⁹ Wikipedia.com- халқаро интернет луғати “joint –stock venture” атамасига таъриф.

¹⁰ www.wto.org.- Халқаро савдо ташкилотининг расмий сайти.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чет эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олинishi натижасида ташкил этилиши мумкин.

Қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл инвестицияларини киритиш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.¹¹

- Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари, бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

- чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хоуга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

- концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк

¹¹ 1998 йилда 30 декабрдаги қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида” қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда), 5-модда

хуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл улуши орқали ташкил этилаётган ҳар қандай корхона ҳам халқаро тажрибадан фарқли ўлароқ, чет эл сармоялари иштирокидаги корхона деб тан олинмайди. Фақатгина таъсис жамғармасининг камида 30 % хорижий сармоядорлар томонидан ташкил этилган корхоналаргина ушбу мақомни қўлга киритишлари мумкин.

“Чет эл сармояси иштирокидаги корхона бошқа тадбиркорлик шакллардан нимаси билан фарқ қилади ?” деган ўринли савол юзага келади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхона халқаро тадбиркорликнинг нисбатан янги ташкилий ижтимоий шакли ҳисобланади. Ҳозирги кунда амалиётда қўлланилаётган тадбиркорлик шаклларида фарқли равишда, хорижий сармоя иштирокидаги корхона турли мулкдорларнинг ўзаро фарқланадиган мулк шаклларини бир мақсад доирасида бирлаштирилишини англатиб, бунда давлатлар орасида капитал ҳаракатини юзага келтиради ва айнан шу омил, яъни капитал ҳаракати бу турдаги тадбиркорлик шаклини фарқлантириб турувчи бош мезондир. Бундан ташқари, капитал ҳаракати келажакда ўз навбатида маълум даражада тескари йўналишда капитал ҳаракатланиши билан ҳам давом этади (дивиденд ва фоиз қўринишида олинган даромадлар натижасида). Биргаликдаги қўшма фаолият ва унинг натижасида юзага келадиган оқибатлар ўз навбатида хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг ажралмас қисмидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни фарқлантирувчи хусусиятлар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- мамлакатлар орасида ижтимоий меҳнат тақсимотини юзага келтиради;

- ўз моҳияти бўйича мамлакатлар иқтисодиёти орасида капиталнинг қарама-қарши йўналишда ҳаракати билан кечади;

- биргаликдаги қўшма фаолиятдан ажралмаган ҳолда амалга оширилади;

- мамлакат иқтисодий потенциалини кўтариш учун янги имкониятларни яратади;

- халқаро миқёсда фаолиятни кенгайтириш йўллари очиб беради.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг халқаро меҳнат тақсимотидан факланувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Чет эл сармояси иштирокидаги корхона фарқли равишда, шерикларнинг ўзаро хўжалик алоқаларини янада яқинроқ амалга оширилишига хизмат қилади. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар биргаликда даромадларни тақсимлаш риксларни ва зарарларни бошқариш, ишлаб чиқариш ҳамда реализация жараёнларини биргаликда юритиш натижасида бозор конъюктурасидаги ўзгаришларга тез мослашадилар. Аммо шундай бўлишига қарамасдан, шерикларнинг ҳар қайсиси ўз манфаати йўлида фаолият юритади. Капиталнинг бош мақсади фойда олиш бўлиб қолаверади. Шундай экан, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни асос солишдан бош мақсад барибир фойда олиш бўлиб қолаверади.

Оксфорд Университетининг илмий журнали маълумотлари бўйича айтганда, дунё бўйича 45 % хорижий сармояларни киритувчи инвесторлар узоқ муддатли даромадни қўлга киритишни кўзласалар, 25 % инвесторлар фақатгина арзон ва маълумотли ишчи бозоридан фойдаланишдан, 20 % инвесторлар бозорларни кенгайтиришдан, 10 % инвесторлар эса маҳаллий иқтисодий ресурслардан манфаатдордирлар.¹²

Мамлакатимиз ҳудудида хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиниши жараёни ривожланиши билан иккита муҳим

¹² <http://www.oxfordbuschool.com.ua>. Оксфорд бизнес мактабининг расмий сайти маълумотлари.

масала юзага келади. Биринчидан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодийнинг таркибий қисми экан, уларни ташкил этилиши ва фаолият юритишида ҳисоб жараёнининг мезонларини белгилаб бериш зарурияти туғилади.

Иккинчидан, хорижий инвесторлар таваккалчилик асосида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун давлат томонидан хорижий инвесторлар учун уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш улар учун имтиёз ва преференцияларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Хорижий сармоя иштирокидаги корхонани ташкил этиш жараёни

Президентимизнинг мамлакат иқтисодиёти ривожини учун ўта муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 15.04.2012 й. , ПФ-443 сон

Фармони ишлаб чиқариш соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб этиш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Фармонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳар томонлама қулай, ортиқча ишчи кучига эга бўлган бир қатор вилоятларнинг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилишининг белгиланиши мамлакатимизда бандлик масалаларини ижобий ҳал этишга қаратилган. Ҳуқуқий кафолатларнинг аниқ-оддийлиги сармоядорларнинг инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилишини тезлаштириш билан бирга, уларга мавжуд хатарларни ҳам баҳолаш имкониятини яратади. Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўз навбатида, Республика минтақаларидаги бой минерал-ҳом ашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий

барқарорлик каби омиллар шубҳасиз, хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, Республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш “Ўзбекистон республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги, 347-сонли қарори асосида амалга оширилади. Ушбу қарорга асосан, Адлия вазирлигининг ходимлари томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби ва муддатларига қатъий риоя этилиши учун шахсан жавобгарлик юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга қуйидаги талаблар қўйилган:

- корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;
- корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий, юридик шахс бўлиши шарт;
- хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Юқорида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган, ҳамда хўжалик фаолиятидан тушадиган жами маблағнинг 60 фоиздан кўпроғи низом фаолиятида уларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот ва (ёки) кўрсатаётган сервис хизмати улушига тўғри келадиган хорижий, шўъба ва қўшма корхоналар *“хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари”* жумласига киради. Бу атама солиқ имтиёзлари бериш учун қўлланилади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда

шакллантиришнинг охирги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири ушбу (1998 йил 30 апрел Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасидаги иккинчи, учинчи, тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган чет эллик инвестор бўлиши шарт.

Улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

- чет эл давлатларининг Қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чет эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан ҳусусийлаштириш жараёнида чет эл инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар жумласига қуйидагилар киради:

- қўшма корхоналар, шунингдек акциялари улуши (пайи) хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлар;

- хорижий инвестициялар устав жамғармасининг 100 фоизини ташкил қиладиган хорижий корхоналар;

- бош корхонаси Республика ташқарисида жойлашган ва хўжалик фаолиятини амалга оширадиган шўъба корхоналар ва филиаллар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари филиаллари.

. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида жойлашган, 500 минг АҚШ долларигача миқдорда устав жамғармасига эга бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар ҳокимликларининг адлия бошқармаларида ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасидан ҳамда давлат рўйхатидан ўтадилар.

Устав жамғармаси 500 минг АҚШ долларида кўп бўлган, шунингдек Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизасидан ва давлат рўйхатидан ўтадилар.

Юртимизнинг аҳолиси кўп бўлган вилоятлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар асосида хорижий инвестицияли корхоналар ташкил қилинган.

Чет эл инвестициялари тўғрисида сўз борар экан, бунда энг аввало инвестиция киритувчи томон ўрнида барча омилларни етарлича таҳлил қилиб олиш керак бўлади: инвестиция киритилаётган мамлакат иқтисодиёти, табиий ва бошқа шарт-шароитлар, ресурслар билан таъминланганлик даражаси ва ҳоказо. Хорижий инвестор ўз маблағини бошқа мамлакат иқтисодиётига жалб қилар экан, бунда бирламчи ҳал этилиши лозим бўлган масала-инвестиция киритилаётган мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шарт шароитларнинг инвестиция муҳитига қай даражада таъсир кўрсатишини таҳлилдан ўтказишдир.

Ҳар қандай хорижий инвестор қўшма корхона ташкил қилишдан аввал бу тадбир ўзи учун қандай ва қанча иқтисодий самара беришини тахмин қилиб кўради. Агар инвестор ихтиёридаги бойлик бирламчи иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона тўзишга рози

бўлмайди. Демак, хорижий инвесторлар учун бошқа давлатлардагига қиёслаганда шундай иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришимиз керакки, пировардида, улар ҳам, биз ҳам иқтисодий-ижтимоий самара олайлик. Бунинг учун биз, аввало қўшма корхоналар учун иқтисодий инфратузилмани такомиллаштиришимиз лозим.

Четдан жалб қилинаётган маблағларнинг етарли даражада самарали эмаслиги ва кейинги пайтда кўзатилаётган унинг янада пасайиш ҳавфи жавоб чораларини кўришни тақозо этади. Инвестицияларнинг у ёки бу мамлакат иқтисодиётига кириб келиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига ҳос катализатори бўлиб хизмат қилади. Гап фақат унинг базасида янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда эмас, гарчи бу жуда муҳим бўлса ҳам. Лекин, инвестицияларнинг илгари етарли даражада ишлатилмаган табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат потенциалларининг хўжалик жараёнига қўшилишини жадаллаштирувчи омил сифатидаги вазифаси муҳимроқдир. Чет эл сармояси миллий ресурслар билан ўзвий қўшилган ҳолда илғор технологияларни қўллаш, ходимлар малакасини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни жадаллаштириш асосида юқори интеграл самара беради.

Чет эл сармоясидан фойдалансада, ҳар қандай мамлакат аввало ўз иқтисодиётини мустақил иқтисодиёт сифатида ривожлантиришга интилади. Шундай қилиб, ушбу вазиятда маълум қарама-қаршилик мавжуд: миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини чет эл инвестицияларини жалб қилиш шарт-шароитлари билан қандай қилиб мослаштириш мумкин. Бу муаммони бутун бошли ташқи иқтисодий алоқалар турларини қўллаган ҳолда ҳал этиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бунинг учун ушбу масалага иккала томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва чуқур мулоҳаза асосида ёндашмоқ лозим.

Чет эл инвесторлари нафақат миллий корхоналарга ўз сармоялари, технологиялари ва бошқарув тажрибасини киритадилар, балки улар жаҳон

бозорларига йўл очадилар. Бу эса ўтиш даврени бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакат учун ҳаёт-мамот масаласидир.

Чет эл инвесторлари билан биргаликдаги қўшма тадбиркорлик ҳаракатига доир лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш учун Республикамизда адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Республика халқ хўжалиги тармоқларига тўғридан-тўғри кириб келаётган чет эл инвестициялари ҳажмининг ортиш эҳтимоли бундай чора-тадбирлар аҳамиятини янада оширади. Хорижий сармояни жалб қилиш ва фойдаланишдаги муҳим муаммолардан бири -бу инвестиция қўйилмалари шаклини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда танлашдир.

Қўшма корхонани ташкил қилиш уни ҳар иккала ташкилотчилар томонида тегишли мутахассислар иштирокида корхонани ташкил қилишдан асосий мақсад яъни ундан томонлар учун олинадиган иқтисодий самара, кўриладиган фойда сарф қилинадиган сармояни қисқа муддат ичида қайтарилиб олиб қўшимча фойда олиш имкониятлари ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинади.

Энг аввало шу корхонани ташкил этишдан манфаатдор ва унга талаб қилинган миқдорда маблағ экспорт қилишга қурби етадиган хорижий фирма ва корхона ташкил бўлаётган мамлакатдаги уни қурилишдан манфаатдор бўлган ташкилот ёки корхона аниқланади. Уларни иқтисодиёт ва молиявий имкониятлари жуда чуқур таҳлил қилинади.

Натижада уларни янги корхонани тўла кўриб ички ва ташқи бозорда корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотга талаб борлигига ва уни тезда сотиб олишига ишонч ҳосил қилингандagina корхонани қурилиш бошланади. Аввало корхонани қурилиш жойи, уни фаолият кўрсатиш муддатлари келишиб олинади. Шундан кейин қандай маҳсулот ишлаб чиқарилиши аниқланиб, уни йиллик ҳажми белгиланади. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни қанча қисми ички бозорда қанча қисми ташқи бозорда сотилиши йилма - йил кўрсатилади. Корхонани ташкил қилиш учун сарфланадиган

маблағ миқдори сўмда ва валютада ҳисоблаб чиқилади. Қилинадиган харажатларни қандай қисмини сумда ва валютада ажратилиши корхона тузиш ҳақидаги ўзаро шартномада кўрсатилиб корхонани устав фонди белигиланади. Бунда корхонани қурилиши учун томонларни ажратилиши мумкин бўлган сўмда ва валютадан улушлари аниқланади агарда ажратилган маблағ корхонани тўлиқ битказишга камлик қилган ҳолда қайси банкдан қанча миқдорда сўм ва валютада кредит олиш келишилади, улар қандай процентларга қанча муддатга олинади ва қачон олинган кредитлар проценти билан қайтариб бериш муддатлари келишиб олинади.

Шундан кейин ишлаб чиқариладиган маҳсулот турли аниқланиб уни тўла характеристикаси қуриб чиқилади. Маҳсулотни нархи ички бозорда қанча ва ташқи бозорда қанча бўлиши келишилиб олиниб томонлар тегишли ҳисоб-китобларни тақдим қиладилар. Шундан кейин маҳсулот таннархи аниқланади. У тахминан қуйидаги тартибда ҳисобланиши мумкин.

Буларга сарфланадиган хом-ашё миқдори бир йилга ҳисобланади, маҳсулотни комплекшлаш учун ишлатиладиган қисмлар, ёқилги, электр-энергия, иш ҳақи суғурта ва социал таъминотига ажратиладиган сумма, транспорт харажатлари умумкорхона харажатлари шу жумладан амортизация учун тўланадиган сўмма, субподрядчикларга тўланадиган ҳақ миқдори белгиланади.

Реклама ва бошқа турдаги харажатлар ҳисоблаб аниқланади. Юқоридаги харажатлар сумда ва валютада ҳисоблаб алоҳида - алоҳида жамланиб маҳсулот таннархи аниқланади.

Шу билан бирга асосий норма ва нормативлар аниқланади, Давлат банкидаги валюта курси, налоглар ставкаси, чет элга утказилиши мумкин бўлган валютага қўйиладиган налог ставкаси, фойдадан резерв фондига, ишлаб чиқаришни кенгайтириш фондига, фан ва техникани ривожлантириш ва бошқа фондларга ажратиладиган суммалар белгиланади.

Шундан кейин корхона фаолиятидан олинadиган самарадорликлар ҳисоблаб чиқилади. Корхона қурилиши учун сарф қилинган барча капитал

маблағалар, уларнинг рентабеллиги бу 15% дан кам бўлмаслиги керак, капитал маблағлар қайта қопланиши, сарф қилинган валютани қайта қопланиши аниқланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантирувчи омиллардан биридир. Шундай экан, юртимизда инвестицион муҳит ва инвестицион жозибадорлик яхшилаш бўйича ишлар олиб бориш талаб этилади.

1.2. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ҳамда ҳуқуқий асослари.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхона давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан, Ўзбекистон республикаси қонунчилигига асосан корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши шарт.¹³

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхона учун ҳисоб тизимини юритишнинг махсус белгиланган шакллари бўлишига қарамасдан, бу мақомга эга бўлган корхоналар ҳўжалик муносабатлари ўзига хос хусусиятларга эга.

Бизнинг фикримизча, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳисоб тизимини асосий ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчилари ўзгача бўлиб, (яъни хорижий таъсисчиларнинг мавжудлиги) бу ҳисоб ахборотларини шакллантиришда ушбу омилни инобатга олишни талаб этади;

- чет эллик сармояларнинг устав жамғармасини шакллантирилишида иштирок этиши натижасида хусусий капитал билан боғлиқ хорижий валютадаги муомалалар юзага келади;

¹³ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1996 йил 30 август, 7- модда.

- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонани ташкил этиш жараёни ўз навбатида бир қатор сезиларли “Ташкилий харажатлар” ни юзага келтиради ва бу бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топиши зарур;

- хорижий сармоялар иштирокидаги корхона мақомига эга бўлган корхоналар учун бир қатор солиқ имтиёзлари берилган ва бу имтиёзларни ҳисоб маълумотларида акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир;

- хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар молиявий ҳисоботларини шакллантирилиш жараёни кўшма фаолият хусусиятларидан келиб чиққанлиги сабабли, бир қатор хусусиятларга эга. Бу ҳисоб тизимини ташкил этишда, молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказиб қолади.

Таъкидлаб ўтилган хусусиятлар, биринчи навбатда, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш жараёнига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби ташкил этиш хусусиятларини батафсилроқ кўриб чиқамиз.¹⁴

1.Бухгалтерия тизими тузилмасини ташкил этиш. Чет эл сармоялари иштирокидаги корхонада бухгалтерия бўлимини ташкил этилиши корхона бизнес режаларида белгиланган бошқарув харажатларига ва корхона фаолият доирасига бевосита боғлиқдир. Бошқа турдаги корхоналарда бўлганлиги каби хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия бўлими штатлар жадвали корхона раҳбари томонидан белгиланади. Аммо шундай бўлишига қарамасдан чет инвестициялари иштирок этган корхоналарда қуйидаги фарқли жихатлар мавжуд.

Ҳозирги кунда чет эл корхоналарининг аксарият қисми экспорт ва импорт операциялари жараёнига кенг жалб этилаётганлиги натижасида

¹⁴ Эргашев Б. “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда ҳисоб тизимини ташкил этиш масалалари.” -тезис Т: “Ўзбекистон Республикасида иқтисодийни модернизациялаш шароитида статистика назарияси ва амалиётини ривожлантириш истиқболлари” Республика илмий-амалий анжуман 2012 йил 18 декабрь.

хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда ташқи иқтисодий муносабатлар учун махсус эксперт бухгалтерларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу турдаги бухгалтерларнинг хизмат вазифалари қуйидаги жабҳаларни қамраб олади:

- корхоналарда экспорт-импорт операцияларни ҳужжатлаштириш жараёнини назорат этиш ва унинг ҳисобини юритиш;
- чет эллик сармоядорлар улуши ва дивидендлари бўйича ахборотни шакллантириб бориш ҳамда бу ҳақда тегишли ахборотдан фойдаланувчиларга маълумот бериш;
- чет эллик инвесторлар хусусий капиталдаги улуши инвентаризацияси билан шуғулланиш;
- хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар солиқ имтиёзларини қўлланишини назорат этиш ва унинг ҳисобини юритиш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш;
- корхонада чет эллик ҳамкорлар билан учрашувларни ташкиллаштириш ва бу харажатларни расмийлашритиш;

Бухгалтерия ҳисоби бўлимида бу каби мутахассис кадрларни сақлаш харажатлари бухгалтерия ҳисобининг “нафлилик” тамойилига таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо амалиётда хўжалик жараёнларининг мураккаблиги ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзига ҳос хусусиятларга эга эканлиги ушбу харажатларни оқлайди. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисоби юритилишида ушбу мутахассис ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши қуйидаги жабҳаларда намоён бўлади:

- Экспорт импорт операциялар самарадорлиги ошиши таъминланади ва амалиётда юзага келаётган жарима, пеняларнинг олди олинади;
- Хорижий сармоядорларнинг ахборот билан таъминланиши ошади ва бу ўз навбатида улар учун молиявий хавфсизликни таъминлайди;
- Хорижий сармоялар учун яратилган имкониятлардан кенгрок фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади;

Шундай экан, бизнинг назаримизда корхона бухгалтериясини

юрителишида юқорида кўрсатилган “бухгалтер-экспорт” лавозимини ташкил этиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Қуйида биз хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ҳисоб бўлимининг наъмунавий штатлар жадвалини ишлаб чиқдик. (“National Plast” қўшма корхонаси мисолида)

ҚК “National Plast” нинг намунавий штатлар жадвали¹⁵

Корхона тузилмаси		Касби (лавозими)	Штат бирликлар сони	Оклад (тариф ставкаси), сўм	Устама, сум		Ойлик иш ҳақи фонди, сум
Номи	код				Меъёрдан ошиқча иш соатлари учун, 50% гача	Байрам иш кунлари учун, 100 % гача	
1	2	3	4	5	6	8	9
Бошқарув	01	Директор	1	1 000 000			1 000 000
	02	Бош бухгалтер	1	800 000			800 000
	03	Эксперт бухгалтер	1	600 000			600 000
	04	Бош муҳандис	1	800 000			800 000
	05	Бўлим бригадири	1	600 000			600 000
Ишлаб чиқариш бўлими	06	Ишчи- технолог	3	500 000	50 000	100 000	1 650 000
	07	Ишчи- қадоқловчи	10	400 000		200 000	6 000 000
Хизмат кўрсатиш бўлими	08	Қоровул	2	300 000			600 000
	09	Фаррош	2	300 000			600 000
	10	Юк тушурувчи	1	300 000			300 000
Жами					12 950 000 (ўн икки миллион тўққиз юз эллик минг сўм)		

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилди.

Корхонада ҳисоб сиёсатини тузиш. Чет эл сармоялари иштирокидаги корхона бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш мақсадида ўзининг "Ҳисоб юритиш сиёсати" белгилаб олиши зарур.¹⁶

Бу турдаги корхоналарнинг ҳисоб сиёсати БХМС 1 "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" стандартдаги асосий жиҳатларни акс эттириши билан бирга, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарнинг ҳусусиятини ҳам ўзида намоён этиши зарурдир. Бунда хориж сармоялари иштирок этиши натижасида юзага келадиган бухгалтерия ҳисоби усуллари ва баҳолашларидаги ўзгаришлар ўз аксини топиши зарур.

Шуни таъкидлаб айтиш мумкинки, хорижий сармояларнинг ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳисоб сиёсати қўидаги асосий жабҳаларни ёритиши зарур:

- Чет эллик сармоядорлар улушини ҳисобга олиш усуллари ва шакллари;
- Бухгалтерия ҳисобининг ишчи ҳисобварақлар режаси;
- Чет эллик сармоядорларнинг устав капиталидаги улушини инвентаризациясини ўтказиш тартиби;
- Хорижий сармоядорлар томонидан киритилган асосий воситаларни эскиришини ҳисоблаш ва қайта баҳолаш тартиби;
- Хорижий сармоядорларга дивидендларни тўлаш тартиби ва манбалари;
- Корхонада юзага келадиган "вакиллик харажатлари" ва уларнинг меъёрлари ;
- Чет элга хизмат сафарига кетган ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоб усуллари;
- Корхонада солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиби;
- Чет эллик ҳамкорлар учун тақдим этиладиган қўшимча ҳисоботлар ва уларни шакллантириш тартиби;

¹⁶ БХМС 1 "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" 1998 йил 14 август АВ 474 сонли қарори билан рўйхатга олинган

Юқоридаги масалалар ҳисоб сиёсатида ўз аксини топиши бевосита бухгалтерия ҳисобининг ахборотларини янада ишончли бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари бизга маълумки, пухта ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати солиқ юзасидан келиб чиқадиган масалаларни ҳал этишда асосий рол ўйнайди.

Бухгалтерия ҳисобининг ишчи ҳисобварақлари. Бизга маълумки мамлакатимиз ҳудудида тавсиявий ҳисобварақлар режаси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрда 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган 21-сонли БХМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий- хўжалиқ фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар Режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” тасдиқланди ва 2002 йил 1 январдан барча хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини янги Счётлар режаси асосида юритиб келишмоқда.

Ушбу счётлар режаси тафсиявий бўлганлиги сабабли ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг хўжалик жараёнидан келиб чиққан, ҳолда ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиши зарур бўлади. Шу аснода чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўзининг фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ишчи счётлар режасини ишлаб чиқади.

Бунда ишчи счётлар режаси бевосита хўжалик юритувчи субъект хўжалик жараёни муомалаларини акс эттириш учун мос бўлиши зарурдир. Олиб борилган изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги кунда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизими хўжалик муомалалари тавсиявий счётлар орқали етарлича шаффоф ёритилаётгани йўқ.

Бизнинг фикримизча, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг хўжалик муомалаларини инобатга олган ҳолда, уларни ҳисобга олиш учун ишчи Счётлар режасида қуйидаги ҳисобварақларни очиш мақсадга мувофиқ бўлади.(2- жадвал)

2- жадвал

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ишчи счётлар

режасида очиш тавсия этилаётган счётлар¹⁷

21-БХМС тавсиявий счёти		Корхона ишчи счёти		Изоҳ
счёт рақами	счёт номи	счёт рақами	счёт номи	
1010	Хом-ашё ва материаллар	1011	Ўз эҳтиёжи учун олинган хом-ашё ва материаллар	суб-счёт
		1012	Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар	суб – счёт
6100	Ажратилган бўлинмалар шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар	6113	Чет эллик таъсисчи корхоналарга тўланадиган счётлар	суб – счёт
4200	Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар	4240	Чет элга хизмат сафарлари учун валютада берилган бўнақлар	суб–счёт
4600	Устав капиталига таъсисчиларнинг улуши бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар	4611	Устав капиталига таъсисчиларнинг улуши бўйича қарзи (чет эллик таъсисчилар)	суб–счёт
		4612	Устав капиталига таъсисчиларнинг улуши бўйича қарзи (маҳалий таъсисчилар)	суб–счёт
8300	Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар	8300\1	Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (чет эллик таъсисчилар)	
		8300\2	Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (маҳалий таъсисчилар)	
8840	Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари	8841	Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари (чет эл капитали иштирокида юзага келган)	суб–счёт
		8842	Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари (умумий тартибда белгиланган)	суб–счёт
9000	Асосий фаолият	9060	Чет эллик таъсисчиларга	

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилди.

21-БҲМС тавсиявий счёти		Корхона ишчи счёти		Изоҳ
счёт рақами	счёт номи	счёт рақами	счёт номи	
	даромадларини ҳисобга олувчи счётлар		махсулот сотиш (иш ва хизматларни бажариш)дан олинган даромадлар	

(2- жадвал давоми)

21-БҲМС тавсиявий счёти		Корхона ишчи счёти		Изоҳ
счёт рақами	счёт номи	счёт рақами	счёт номи	
6610	Тўланадиган дивидендлар	6611	Тўланадиган дивидендлар (чет эллик инвесторларга)	суб–счёт
6612	Тўланадиган дивидендлар (махаллий инвесторларга)	суб–счёт	Тўланадиган дивидендлар (махаллий инвесторларга)	суб–счёт

Ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тартиби. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар молиявий ва статистика ҳисоботларини тақдим этиш даврлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида бошқа турдаги корхоналардан фарқланади. Корхонада ушбу ва бошқа қўшимча ҳисоботлар (агар таъсисчилар томонидан талаб этилган бўлса) тақдим этиш даврлари ва жавобгар шахслар белгилаб олиниши зарурдир.

Умуман олганда, ҳозирги шароитда юртимизда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда ҳисоб тизимини шакллантириш асослари етарлича такомиллашган эмас. Бу фикримизни қуйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин.

Биринчидан, жаҳон амалиётида ҳисоб маълумотлари деярли тўлиқ электронлаштирилган бир шароитда юртимизда фаолият юритаётган айрим корхоналарда ҳисоб маълумотлари қоғоз хужжатларда юритилмоқда. Албатта юртимизда охириги 2 йил ичида молиявий, солиқ, статистика ва бошқа ҳисоботларини тақдим этиш тизими тўлиқ электрон шаклга ўтказилмоқда, аммо ҳисобот тайёрлаш жараёнида, айрим ҳолларда, қоғоз

шаклида ҳисоб ахборотларини шакллантирилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.¹⁸

Иккинчидан, охириги йилларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг электрон шакллари ривожланишига қарамасдан бугунги кунда юртимизда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар хусусиятларини ўзида акс эттирувчи ва миллий қонунчиликка мос келувчи маҳаллий дастурий таъминот мавжуд эмас.

Учинчидан, бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкиллаштиришда ҳозирги кунда жаҳон амалиёти тажрибасидан етарлича фойдаланилаётгани йўқ. Бунини бевосита ҳужжат айланиши жавобгар шахсларни белгилаш, ҳисоб маълумотларини оператив тарзда шакллантирилиши жараёнида бевосита кўришимиз мумкиндир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизимини ташкил этишда ушбу мақомга эга корхона хусусиятларини инобатга олиш хорижий инвестициялар самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир. Бугунги кунда эса, бу жараёни амалга ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва назарий асослар такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шундай экан, бу масалалар келажакда янги илмий изланишларнинг мавзусига айланиши зарур.

¹⁸ uz24.uz интернет портали. “Компютеризация отчётов увеличивается” мақола. 2011 й 23 август.

2 -боб. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг амалдаги ҳолати.

2.1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар устав капитали ҳисобининг хусусиятлари.

Ҳар қандай корхонани ташкил этиш жараёнида корхона фаолияти учун зарур бўлган мол-мулк таъсисчилар томонидан белгиланган миқдорда устав жамғармасига киритилади. Хусусий капитални шакллантириш жараёни корхона мулкчилиги шаклига бевосита боғлиқ бўлиш билан бир вақтда, унинг хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарнинг хусусий капиталини шакллантириш жараёни бир қатор ўзига ҳос хусусиятларга эгадир. Бизнинг фикримизча, қуйидаги омилларнинг мавжуд бўлиши хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар устав капиталини шакллантиришнинг фарқланишига олиб келади:

- Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар устав капитални тузилиши ва миқдорига қонунчилик томонидан мезонлар ўрнатилган бўлиб, шу мезонлар асосида хусусий капитални шакллантириш талаб этилади;
- Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда устав капиталига хорижий инвестор томонидан киритилаётган улушлар, уларни баҳолаш жараёни бухгалтерия ҳисобида ўзига ҳос масалаларни юзага келтиради;
- Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар хусусий капитални дастлабки ташкил этиш жараёни сезиларли миқдорда ҳаражатларни талаб этади. Бухгалтерия ҳисобида эса бу ҳаражатлар тўғри таснифланиши муҳим жараён.

Юқоридаги омиллар бухгалтерия ахборотларини таҳлилий ҳисоб жараёнида ҳам маълум даражада акс эттиришни талаб этади ва бунинг натижасида хусусий капитални шакллантириш жараёнининг аналитик ҳисоби ва ҳужжатлаштирилиши фарқланади.

Хорижий инвестиция киритилаётган корхона устав капитали хорижий валютада шакллантирилар экан, ўз навбатида устав жамғармасини рўйхатдан ўтказиш ва корхонана таъсисчилари томонидан уставда белгиланган суммаларни киритиш вақти орасида валюта курсидан фарқлар юзага келади. “Хорижий валютада ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби молиявий ва статистик ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом”¹⁹ нинг 29-31 бандларига асосан корхона устав капитали хорижий валютада белгиланганда ва таъсисчилар томонидан уставдаги улуш хорижий валютадаги суммада ёки мол-мулк билан киритилганда улуш киритилаётган кундаги Марказий Банк валюта курси бўйича қайта баҳоланиши зарур. Корхона таъсис ҳужжатлари рўйхатдан ўтган кун ва мол-мулк, маблағ киритилаётган кундаги валюта курслари натижасида юзага келган ижобий фарқ бухгалтерия ҳисобида 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” ҳисобварағининг кредити бўйича “қўшилган капитал” сифатида акс эттирилиши зарур. Қайта баҳолаш натижасида юзага келган салбий фарқ эса 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” дебитида олдинги ижобий фарқ миқдоригача акс эттирилади. Салбий курс фарқининг ижобий курс фарқидан ошган суммаси эса молиявий фаолиятдан харажатларга олиб борилади.

Демак, бухгалтерия ҳисобида ўз навбатида курс фарқидан ўзгаришлар “Қўшилган капитал” сифатида акс эттирилиши талаб этилади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда “қўшилган капитал” нинг таркиби қуйидагилардан ташкил топади:

- Хорижий сармоядорлар томонидан акцияларни номинал қийматидан юқорироқ харид қилиниши натижасида;

¹⁹ 17.09.2004 й да Адлия Вазирлигида №1411 билан рўйхатдан ўтган.

- Хорижий сармоядорлар томонидан асосий воситаларни қайта баҳолашдан;
- Корхонани устав капиталини шакллантириш жараёнида белгиланган валюта курси ўзгариши натижасида;
- Хорижий сармоядорлар томонидан беғараз молиявий ёрдам берилиши натижасида.

Масалан, “National Plast” ҚК устав капиталини рўйхатдан ўтказиш кунида (11.11.2009 й.) белгиланган устав фонди 170 000 АҚШ долларини ва МБ курси 1380 сўм бўйича 234 600 000 сўмни ташкил этган. Таъсис шартномасига асосан хорижий сармоядор томонидан 50 % маблағ АҚШ долларида киритилади.

Бу қуйидагича акс эттирлади:

Дт 4611 “Таъсисчиларнинг устав жамғармасига улушлари бўйича қарзи (чет эллик таъсисчилар) ”– 117 300 000сўм (85 000 АҚШ доллари МБ курси бўйича)

Дт 4611 “Таъсисчиларнинг устав жамғармасига улушлари бўйича қарзи (маҳалий таъсисчилар)”- 117 300 000сўм (85 000 АҚШ доллари МБ курси бўйича)

Кт 8330 Устав жамғармаси - 234 600 000 сўм (170 000 АҚШ доллари МБ курси бўйича)

01.12.2009 й. санада корхонанинг валюта ҳисобрақамига 85 000 АҚШ доллари ўтказилди. Бу санада МБ валюта курси 1389 сўм 50 тийинни ташкил этган эди. Ўз навбатида бу маблағ 118 107 500 сўмни ташкил этмоқда ва бу уставда кўрсатилган улушдан юқори. Натижада устав жамғармасида кўрсатилган суммадан ошган маблағ қўшилган капитални ташкил этади ва ҳисобварақларда алоҳида юритилади.

Бу муомала қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дт 5210 “Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобвақарлари” - 118 107 500 сўм (85 000 АҚШ доллари 01.12.2009 й МБ курси бўйича)

КТ 4611 “Таъсисчиларнинг устав жамғармасига улушлари бўйича қарзи (чет эллик таъсисчилар)”- 117 300 000 сўм (таъсис шартномаси кўрсатилган сумма)

КТ 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” - 807 500 сўм (118 107 500 сўм-117 300 000 сўм)

Дт 5210 “Мамлакат ичкарасидаги валюта ҳисобвақарлари” - 118 107 500 сўм (85 000 АҚШ доллари 01.12.2009 й МБ курси бўйича)

КТ 4611 “Таъсисчиларнинг устав жамғармасига улушлари бўйича қарзи (маҳаллий таъсисчилар)”- 117 300 000 сўм (таъсис шартномаси кўрсатилган сумма)

КТ 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” - 807 500 сўм (118 107 500 сўм-117 300 000 сўм)

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнидаги устав капитали ҳисоби.

Ҳозирги шароитда амалиётда долзарб масалардан бири хорижий сармоялар иштирок этган корхоналарда таъсисчилар чиқиб кетиши ёки янги таъсисчилар киритилиши, бир нечта таъсисчиларнинг бирлашуви натижасида устав жамғармасини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнидир. Бу масалаларни ҳисобда акс эттириш тартиби амалиётда турлича талқин этилишини кўришимиз мумкин. Шу мақсадда ушбу вазиятларни қуйида батафсил таҳлил этамиз.

“Хорижий валютада ифодаланган операцияларни бухгалтерия ҳисоби молиявий ва статистик ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом”²⁰ нинг 32-33 бандларига асосан, хорижий валютада ифодаланган устав жамғармаси оширилганда ёки камайтирилганда қайта баҳолаш фақат ўша ошган (камайган) қисм учун амалга оширилади. Бунда қайта рўйхатдан ўтиш кунидаги валюта курси асос сифатида олинади. Валюта курсидан фарқлар эса умумбелгиланган тартиб асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттилади.

²⁰ 17.09.2004 й да Адлия Вазирлигида №1411 билан рўйхатдан ўтган.

Масалан, ҚК “National Plast” да 22.12.2009 йилда таъсисчилари таркибидан хорижий таъсисчиларнинг улуши камайиши натижаси йиғилиш баённомаларига асосан устав жамғармаси камайтирилди. (Камайтириш натижасида устав капитали белгиланган меъёрлардан пасаймади).

Таъсисчилар йиғилишида хорижий таъсисчининг улуши 85 000 АҚШ долларида 83 000 АҚШ долларигача пасайтирилишига келишилди. 10.02.2010 й. да бу ўзгариш давлат органларида расмий рўйхатдан ўтказилди. Устав жамғармасини қайта рўйхатдан ўтказиш кундаги валюта курси 1 АҚШ доллари 1=1530,74 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари қуйидаги ахборот мавжуд:

а) корхона дастлаб рўйхатдан ўтказилган кундаги валюта курси 1 долл.

АҚШ = 1380,00 сўм;

б) 8420 “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” ҳисобварағининг қолдиғи 807 500 сўм

Ушбу операцияларни батафсил жадвалда кўриб чиқамиз:

3- жадвал²¹

№	Хўжалик муомаласининг мазмуни	Муомала санаси	Ҳисобварақлар		СУММА
			Дебет	Кредит	
1	Устав капитали ҳисобварақларининг салдоси 22.12.2012 й :				
2	Устав капитали рўйхатдан ўтган= (170 000 АҚШ доллари МБ курси бўйича)	22.12.2012 гача		8330	234 600 000 сўм
3	Дастлабки мулк киритилгандаги курс фарқи	22.12.2012гача		8420	807 500 сўм
4	Устав капиталини 2000 АҚШ долларини дастлаб рўйхатдан ўтган	2 000 \$ х 1380,00 сўм 1 МБ курси бўйича=			2 760 000 сўм

²¹ Муаллиф томонидан тузилди.

	кундаги курс билан ҳисоблаймиз.		
--	---------------------------------	--	--

(3- жадвалнинг давоми)

№	Хўжалик муомаласининг мазмуни	Муомала санаси	Ҳисобварақлар		СУММА
			Дебет	Кредит	
5	Қайта рўйхатдан ўтиш кундаги курс бўйича таъсисчига қарзни ҳисоблаймиз (1 АҚШ дол. =1530,74 сўм)	2 000 \$ x 1530,74 сўм 1 МБ курси бўйича =			3 061 480 сўм
6	Курс фарқидан зарарни ҳисоблаймиз	3 061 480 сўм - 2 760 000 сум =			301 480 сўм
	Бухгалтерия ўтказмалари				
7	Устав фондини 2000 \$ га камайтириш (1380сўм дастлабки рўйхатдан ўтиш курси бўйича)	10.02.2013	8330	6620	2 760 000
8	Юқоридаги операция бўйича курс фарқидан зарарлар	10.02.2013	8420	6620	301 480
	Устав капитали ҳисоби ҳисобварақлари қолдиғи 10.02.13 да :				
№	Ҳисобварақ қолдиғи	Сана	Дебет	Кредит	СУММА
9	Қайта рўйхатдан ўтишдан кейин устав капитали=168 000 \$ МБ курси 1380 сўм	10.02.13 дан кейин		8330	231 840 000
10	Таъсисчилар олдидаги қарз 10.02.10 й да МБ курси 1530,74 сўм	10.02.13 дан кейин		6620	3 061 480

11	Қўшилган капитал ҳисобварағи	10.02.13 дан кейин		8420	506 020
----	------------------------------	-----------------------	--	------	---------

Юқоридаги операциялар натижасида шуни кўришимиз мумкинки, қайта рўйхатдан ўтиш жараёнида устав капитали камайтирилган суммагина янги валюта курси билан қайта баҳоланди. Устав капиталининг қолган суммаси эса қайта баҳоланмади. 2000 АҚШ долларини қайта баҳолаш натижасида валюта курсидан зарар суммаси бевосита олдинги баҳолаш натижасида юзага келган 8420 “Қўшилган капитал” ҳисобварағидаги сумма ҳисобига қопланди.

Юқоридаги муомалалардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар устав жамғармасидаги ўзгаришлар жараёнида юзага келадиган валюта курсидан фарқларни ҳисобда тўғри акс эттириш натижасида “Қўшилган капитал” ҳисобварағининг қолдиқларини аниқроқ шакллантириш имконияти юзага келади.

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда резерв капитали хусусиятлари.

Корхоналар фаолиятида юзага келадиган харажатларни қоплаш белгиланган мажбуриятларни сўндириш мақсадида корхона уставида ёки қонунчиликда белгиланган тартибда резерв капитали ташкил этилиши мумкин.

Резерв капиталини ташкил этиш корхона ҳуқуқий ташкилий шакли билан бевосита боғлиқдир. Масалан 1996 йилда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ” Қонунга асосан, акционерлик жамиятлари томонидан резерв капитали устав капиталининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорда ташкил этилиши мумкин. Бунда белгиланган миқдорга етмагунча ҳар йилги резерв капиталига ажратмалар фойданинг 5% дан кам бўлиши мумкин эмас. Шу каби “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги ” Қонун (06.12.2001 й) да кўрсатилишича бу корхона

томонидан устав капиталининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорда резерв капитали шакллантириб борилиши зарур.

Бугунги кунда республикаимиз қонунчилигида чет эл инвестициялари иштирок этган корхоналар учун резерв капиталининг минимал даражаси белгиланмаган бўлса ҳам бу корхоналар ҳуқуқий юридик шаклидан келиб чиққан ҳолда резерв капиталини шакллантирадилар. Ўз ўрнида айтиш керакки, масалан Россия Федерациясида чет эл инвестициялари иштирок этган корхоналар учун резерв капиталининг минимал даражаси устав капиталининг 25 % дан кам бўлмаслиги белгиланган АҚШ да бу кўрсаткич 30 %.²² Агар резерв капиталини минимал даражасини белгилашнинг иқтисодий моҳияти ҳақида фикр юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки резерв капиталига ажратилган маблағлар тақсимланмаган фойдани тақсимланишига таъсир ўтказди. Резерв капиталига ажратмаларнинг юқори бўлиши натижасида дивиденд сифатида тақсимланадиган қисм камаяди. Шунинг учун чет эл капитали иштирокидаги корхоналар учун резерв капиталининг минимал даражасини белгилаш бевосита дивиденд сиёсати таъсир этиб капитални четга чиқишини назорат қилади. Бизнинг фикримизча юртимизда чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар учун резерв капиталининг минимал даражасини белгиланмаганлиги хорижий сармоядорларга фойдани янада эркинроқ бошқариш имконини беради. Аммо резерв капиталини шакллантирилиши бевосита келажакда юзага келадиган харажатлар ва иқтисодий ҳолатларга кафолат сифатида хизмат қилади ҳамда уни шакллантириб бориш таъсисчилар учун ҳам муҳимдир.

Чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарда резерв капиталини ишлатилишини чет эл сармоядорларининг чиқиб кетиш жараёнида ўзига хос бухгалтерия ўтказмаларини юзага келтиради.

Масалан ҚК МЧЖ “National Plast” корхонасида резерв капиталини ташкил этиш сиёсатида хорижий сармоядорлар чиқиб кетишини кафолатлаш мақсадида устав капиталининг 30% миқдорида резерв

²² [http:// www.berator.ru](http://www.berator.ru) (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

капиталини шакллантириш белгиланган. Бундан ташқари таъсисчилар улуши қолган таъсисчилар улушни сотиб олишдан воз кечган ҳолда корхона томонидан сотиб олинишига келишилган. Шунга биноан 11.02.2010 йил корхона таъсисчиларининг навбатдан ташқари йиғилишида қуйидаги масала кўриб чиқилган.

Корхонанинг хорижий таъсисчиси корхонадаги 2/168 қисм улушини сотмоқчи. Қонунчилик ва корхона таъсис ҳужжатларига асосан бу улушни сотиб олиш ҳуқуқига биринчи навбатда бошқа таъсисчилар ва корхона эга.

Корхонада бу ҳолат учун олдиндан резерв капитали шакллантирилиб келинмоқда. Хорижий инвесторнинг 1/168 қисм улушини маҳалий таъсисчи сотиб олиши ва қолган 1/168 қисм улушини эса корхона резерв маблағларидан қопланишига келишилди. Ушбу операция рўй бергунга қадар корхона ҳисобварақлари қуйидаги кўринишда эди:

4-жадвал²³

Устав капитали ҳисобварақларининг қолдиқлари (11.02.2010 гача)

Счёт рақами	Счёт номи	Сумма	Изоҳ
83 30	Устав капитали	231 840 000 сўм	Корхонадаги таъсисчиларнинг улуши : Хорижий таъсисчи – 114 540 000 сўм (83/168 қисми) Маҳалий таъсисчи – 117 300 000 сўм (85/168 қисми)
8 520	Резерв капитали	16 800 000 сўм	
8	Қўшилган	506 020 сўм	

²³ Муаллиф томонидан тузилди.

420	капитал		
-----	---------	--	--

Корхона хорижий таъсисчисига корхона томонидан қопланган улуши (1/168 қисм) хорижий валютада қайтарилади. Ушбу қисмни қоплаш рўйхатга олинган кундаги валюта курси 1590 сўмни ташкил этди. Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

5- жадвал²⁴

**Устав капиталидаги ўзгаришларни акс эттиришда бериладиган
ўтказмалар**

№	Хўжалик муомаласининг мазмуни	Муомала санаси	Ҳисобварақлар		СУММА
			Дебет	Кредит	
1	Устав капиталидаги улуш сотилиши 11.02.2010 й :				
4	Устав капиталидаги 1/168 қисм улушни аниқлаймиз	1 000 \$ x 1380,00 сўм 1 МБ курси бўйича=			1 380 000
5	Сотиб олиш кундаги курс бўйича таъсисчига қарзни ҳисоблаймиз (1 АҚШ дол. =1530,74 сўм)	1 000 \$ x 1590 сўм 1 МБ курси бўйича =			1 590 000
6	Курс фаркидан зарарни ҳисоблаймиз	1590000 сўм - 1380000сўм =			210 000
	Бухгалтерия ўтказмалари				
7	Устав капиталидаги 1/168 қисм улушни резерв капитали ҳисобидан сотиб олиш (1380сўм дастлабки рўйхатдан ўтиш курси бўйича)	11.02.2010	8520	6620	1 380 000
8	Юқоридаги операция бўйича курс фаркидан зарарлар	11.02.2010	8420	6620	210 000

²⁴ Муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу жараёнда маҳаллий таъсисчи томонидан 1/168 қисм улуш сотиб олингани тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилган. Юқоридаги операциялардан кейин устав капитали бўйича ҳисобварақлар қолдиғи қуйидагича:

6-жадвал²⁵

Устав капитали ҳисобварақлари қолдиғи (11.02.10 дан кейин) :

№	Хўжалик муомаласининг мазмуни	санаси	Ҳисобварақ	СУММА
11	Қайта рўйхатдан ўтишдан кейин устав капитали= 168 000 \$ МБ курси 1380 сўм*	11.02.10 дан кейин	8330	231 840 000
12	Таъсисчилар олдидаги қарз 1000 \$ МБ курси 1590 сўм	11.02.10 дан кейин	6620	3 061 590 000
13	Қўшилган капитал ҳисобварағи	10.02.10 дан кейин	8420	296 020

Қайта рўйхатдан ўтгандан кейин корхона устав капитали миқдори ўзгармаган бўлса ҳам, ундаги таъсисчилар улуши ўзгаради:

7-жадвал²⁶

8330 ҳисобварағининг қолдиғи (11.02.10 дан кейин)

²⁵ муаллиф томонидан тузилди.

²⁶ муаллиф томонидан тузилди.

Счёт рақами	Счёт номи	Сумма	Изоҳ
8330	Устав капитали	231 840 000 сўм	Корхонадаги таъсисчиларнинг улуши : Хорижий таъсисчи –111 780 000 сўм (81/168 қисми) Маҳалий таъсисчи – 120 060 000 сўм (87/168 қисми)

Юқоридаги ҳолатда резерв капитали ҳисобидан таъсисчи ўзининг улушини корхона уставини камайтирмаган ҳолда киритишга муваффақ бўлди.

Ўз навбатида эса маҳалий таъсисчи томонидан бир қисм улуш сотиб олинганлиги ва резервнинг иштирилганлиги натижасида унинг улуши 2/168 қисмга ортди.

Бир сўз билан айтганда чет эл сармоялар иштирок этган корхоналарда пухта ташкил этилган резерв капиталини шакллантириш сиёсати натижасида хорижий сармоялар ва бошқа белгиланган харажатлар (дивидендлар, хусусий акцияларни харид қилиш) ни амалга ошириш имкони вужудга келади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда дивидендлар ҳисоби.

Чет эл сармоясидаги корхоналарда таъсисчилар жорий даврнинг соф фойдасидан белгиланган миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари хорижий инвесторнинг даромадлари ва мол мулки белгиланган солиқлар тўлангандан кейин дахлсиз ҳисобланади. Инвестор ўзига тегишли соф фойдадаги улушини чет мамлакатга олиб чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Дивиденд тўлаш ва ҳисоблаш жараёнида юзага келадиган муоламалаларнинг ўзига хос хусусиятлари асосан қарзларни акс эттириш жараёнига тегишлидир.

Корхона ҳисоб маълумотларида дивиденд бўйича маълумотлар 6610 “Тўланадиган дивидендлар” ҳисобварағида юритилиб унинг аналитик ҳисоби

махсус қайдномаларда олиб борилади. Бу жараёнда корхонада валюта ҳисобварағи билан боғлиқ операциялар ҳам юзага келади. Хусусан чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда дивидендлар билан боғлиқ операциялар қуйидагича амалга оширилади.

Корхона таъсисчилари йиғилиши баённомалари асосида соф фойдадан дивидендлар ҳисобланганда:

Дт 8710 “Таксимланмаган фойда”

Кт 6610 “Тўланадиган дивидендлар” ўтказмасини бериш мумкин.

Бизнинг фикримизча, ҳисоб жараёнида хорижий таъсисчиларга ва маҳалий таъсисчиларга турли валютада дивидендлар ҳисобланиши, таъсисчиларга қарзни алоҳида ифодалашга эҳтиёж мавжудлигини ҳисобга олиб, қуйидаги ҳисобварақларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

Хорижий таъсисчиларга тўланадиган дивидендларни алоҳида 6611 “Тўланадиган дивидендлар (хорижий инвесторларга)” ва 6612 “Тўланадиган дивидендлар (маҳалий инвесторларга)” ҳисобварақларида акс эттирилиб, дивиденд ҳисоблаганда қуйидаги ўтказмани бериш мумкин:

Дт 8710 “Таксимланмаган фойда”

Кт 6611 “Тўланадиган дивидендлар(хорижий инвесторларга)”-хорижий инвесторга тўғри келадиган улушда;

Кт 6612 “Тўланадиган дивидендлар (маҳалий инвесторларга)”-маҳалий инвесторга тўғри келадиган улушда;

Юқоридаги ўтказмада махсус таҳлилий ҳисобварақларни қўлланиши натижасида 6610 ҳисобварағидаги қарзларнинг қанчаси хорижий инвесторларга тегишли эканлигини билиб олиш мумкин бўлади.

Амалиётда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини назорат қилувчи органлардан бири Адлия Вазирлиги томонидан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга тўланмаган дивидендлар ҳақида ахборот шакллантириш мақсадида сўровлар юборилади. Юқоридаги таҳлилий счётнинг қўлланиши натижасида бу ахборот оператив шакллантирилиши мумкин бўлади.

Бир сўз билан айтиш мумкинки, хориж сармояларининг иштироки натижасида хусусий капиталдаги ўзгаришларни акс эттириш ўтказмаларда фарқланади. Бу жараён нафакат ҳисоб ўтказмалари балки, тегишли ёритишлар ва изохларни талаб этади. Афсуски, жорий қонунчиликда бу муомалаларнинг тавсиявий ўтказмалари берилмаган. Натижада амалиётда кўп юқоридагига ўхшаган ҳолатлар бухгалтерлар томонидан турлича талқин қилинмоқда ва бу салбий ҳолатдир.

2.2. Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар солиқ имтиёзлари ҳисоби .

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантириш мақсадида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг негизини белгилаб беради.

Фармонга асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иқтисодиётнинг белгиланган тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Бунда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида — 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида - 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда юқоридаги имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса, ана шу муддат мобайнида амал қилади.

Бундан ташқари, ушбу фармонга мувофиқ имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда, фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

Бундан ташқари юқоридаги имтиёзларни янада кенгайтириш мақсадиди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони тасдиқланган бўлиб, бунинг натижасида хорижий инвестицияларга берилаётган имтиёзлар ва кафолатлар янги босқичга кўтарилди десак муболаға бўлмайди.

Фармонга асосан, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш

жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар.

Бундан ташқари, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга белгиланган солиқ имтиёзларининг яна бир кўриниши- махсус зоналарда ташкил этилган корхоналар учун бериладиган солиқ имтиёзларидир. Мана шундай зоналардан бири бўлган, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси Президентнинг 2.12.2008 йилдаги ПФ-4059-сон Фармони билан ташкил этилган. У Навоий вилоятининг Кармана туманида жойлашган. Унинг 500 гектарлик майдонида солиқ, валюта ва божхона соҳаларини ўз ичига оладиган алоҳида ҳуқуқий режим, кириш, ҳозир бўлиш ва чиқишнинг, шунингдек Ўзбекистон норезиденти бўлган фуқаролар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат олишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятининг асосларини «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисида низом (ВМнинг 27.01.2009 йилдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган) белгилайди.

Замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техникани, технология линиялари ва модулларни, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларнинг кенг доирасини ишлаб чиқариш ЭИИЗ ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Агар корхона бундай фаолият салоҳиятига эга бўлса, у ЭИИЗ дирекциясига хўжалик фаолияти иштирокчилари рўйхатига киритиш ва эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида рўйхатга олиниш тўғрисида ариза билан мурожаат

қилишингиз мумкин. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда қуйидагиларга эга бўлиш мумкин:

1) солиқ имтиёзлари. «Навоий» ЭИИЗ резидентлари уларга киритилган инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мол-мулк солиғи, фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилган:

3 млн евродан 10 млн еврогача –7 йилга;

10 млн евродан 30 млн еврогача –10 йилга ва фойда солиғи ва ЯСТ ставкалари 5 йилга – 50 фоизга пасайтирилади;

30 млн евродан ортиқ бўлганда –15 йилга ва фойда солиғи ва ЯСТ ставкалари 10 йилга – 50 фоизга пасайтирилади.

2) божхона имтиёзлари. ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинган. Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

«Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари ҳам Президентнинг 13.04.2012 йилдаги ПФ-4436-сон Фармони билан Тошкент вилоятида ва 18.03.2013 йилдаги ПФ-4516-сон Фармони билан Жиззах вилоятида, Сирдарё вилоятининг туманидаги филиал билан бирга, ташкил

этилган. Қуйидагилар улар фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисобланади:

ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

маҳсус индустриал зонага кировчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

маҳсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, «Ангрен» логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш.

Ушбу маҳсус индустриал зоналар иштирокчиси мақоми «Ангрен» ёки «Жиззах» МИЗ маъмурий кенгашларининг қарорлари билан берилади. Фаолият юритиш муддати мобайнида маҳсус индустриал зоналар ҳудудида алоҳида солиқ режими ва божхона имтиёзлари амал қилади. Солиқ имтиёзлари ва преференциялари. «Ангрен» ва «Жиззах» МИЗ резидентлари: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ

тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Ангрен» ва «Жиззах» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинган. Ушбу имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб берилади, шу жумладан эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан 3 млн АҚШ долларигача бўлганда – 3 йил муддатга;

3 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача бўлганда – 5 йил муддатга;

10 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган-да – 7 йил муддатга берилади

Ҳозирги кунда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларни тартибга солиш ва уларни самарали қўллаш механизмини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 12 декабрдаги 2011-34, 14-сон қарорига илова сифатида “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом” ишлаб чиқилган.

Низомнинг 10-бандида Корхоналарга тақдим этилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби “Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом” (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 14-сон, 105-модда) билан тартибга солиниши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу Низомга асосан чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзлари 2 кўринишда берилиши мумкин:

- Бўшаган маблағларни мақсадли фойдаланиш шарти билан берилган солиқ имтиёзлари;
- Мақсадли фойдаланиш шарти кўзда тутилмаган солиқ имтиёзлари;

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзлари мақсадли фойдаланиш шарти қўйилмасдан берилганда солиқ суммаси бирламчи ҳужжатларда акс эттирилмайди ва ҳисобланмайди.

Мақсадли йўналтириш кўзда тутилган солиқ имтиёзлари берилган ҳолда солиқ суммалари бирламчи ҳужжатларда акс эттирилади ва бухгалтерия ҳисобида уларнинг ҳисоби юритилади.

Низомга асосан, бўшаган маблағларни белгиланган мақсадга йўналтириш шарти билан берилган солиқ ва божхона имтиёзлари бухгалтерия ҳисобида **8840** “*Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари*” ҳисобварағида юритилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб маълумотларини етарлича аниқ шакллантириш мақсадида ишчи счётлар режасида қуйидаги ҳисобварақлар гуруҳини очиш тавсия этилади:

1. 4400 “Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича берилган бўнақлар – солиқ ва божхона имтиёзлари турлари бўйича ”
2. 6400 “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар - солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича) ”
3. 6500 “Давлатга мақсадли тўловлар бўйича қарзлар – солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) ”
4. 6900 “Ҳисобланган солиқ имтиёзлари – импортга ҚҚС ва аксиз солиқлари бўйича ”

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда солиқ ва божхона имтиёзлари қуйидаги тартибда акс эттирилади:²⁷

²⁷ “Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом” (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 14-сон, 105-модда)

а) товар моддий захиралар асосий воситалар ўрнатиладиган ускуналар ва номоддий активлар харид қилиниш жараёнида ҳисобланадиган умумбелгиланган солиқ ва божхона суммаларига (ҳисобга олинадиган ҚҚС ва аксиз солиқларидан ташқари) қуйидаги ўтказма берилади:

Дт Капитал қўйилмалар ҳисобварақлари (0800), ўрнатиладиган асбоб ускуналар ҳисобварақлари (0700), товар моддий захиралар ҳисобварақлари (1000-2900)

Кт 6400 “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар - солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)”

б) ҚҚС ва аксиз солиғини тўловчи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарда товар моддий захираларни Ўзбекистон ҳудудидан ҳисобга олинадиган солиқ суммаси билан харид қилганда:

Дт 4400 “Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича берилган бўнақлар – солиқ ва божхона имтиёзлари турлари бўйича”

Кт 6010 “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”

в) ҚҚС ва аксиз солиғини тўловчи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарда товар моддий захираларни ҳориждан ҳисобга олинадиган солиқ суммаси билан харид қилганда:

Дт 4400 “Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича берилган бўнақлар – солиқ ва божхона имтиёзлари турлари бўйича”

Кт 6900 “Ҳисобланган солиқ имтиёзлари – импортга ҚҚС ва аксиз солиқлари бўйича” ўтказмалари берилади.

Агар юқоридаги ўтказмаларни таҳлил қиладиган бўлсак, **6900 “Ҳисобланган солиқ имтиёзлари – импортга ҚҚС ва аксиз солиқлари бўйича”** ҳисобварағи *пассив- ўз хусусияти бўйича мажбуриятни ифодаласа ҳам, лекин бу ҳисобварақда давр охирида қолдиқ қолмайди. Яъни, бу ҳисобварақда кредитланган суммалар солиқ имтиёзларини қўллаш натижасида бўшаган маблағларни ифодалаб қуйидагича ўтказмалар билан чиқим қилиниши керак бўлади:*

Дт **6900** “*Ҳисобланган солиқ имтиёзлари – импортга ҚҚС ва аксиз солиқлари бўйича*”

Кт 8840 “*Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари*”

г) Мақсадли солиқ имтиёзлари қўлланиладиган корхонада ҚҚС ва аксиз солиқлари билан маҳсулот (товар иш хизматлар) реализация қилинганда ҚҚС ва аксиз солиғи суммасига:

Дт 4010 “Харидор ва мижозлардан олинadиган ҳисобварақлар” 4120 “Қарам ва шўба хўжалик жамиятларидан олинadиган ҳисобварақлар”

Кт 6400 “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар - солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)”

Ҳисобга олиниши мумкин бўлган олдин тўланган бўнақлар ҳисобга олинганда:

Дт **6400** “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар - солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)”

Кт **4400** “Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича берилган бўнақлар – солиқ ва божхона имтиёзлари турлари бўйича”

Маҳсулот (товар иш хизматлар) ҚҚС ва аксиз солиғисиз реализация қилишдан бўшаган маблағлар суммасига:

Дт **6400** “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар - солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)”

Кт 8840 “*Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари*” ўтказмаси берилади.

д) асосий воситалар чиқиб кетиши жараёнида ҚҚС солиғи ҳисобланганда:

Дт 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши”

Кт **6400** “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар - солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)” ўтказмаси берилади.

е) фойдадан умумбелгиланган тартибда тўланадиган солиқлардан чет эл капитали иштирок этган корхона озод этилганда:

Дт **9810** “Фойдадан тўланадиган солиқлар ва бошқа йиғимлар”

Кт **6400** “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар - солиқ ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)” ўтказмаси берилади.

Ўз навбатида солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар резерв капиталига ўтказилиши талаб этилади. Ўз навбатида бухгалтерия ҳисобида

8840 “*Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари*” ҳисобварағининг ишлатилиши қуйидагича акс эттирилади:²⁸

Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзларини фойдаланиш даври бевосита белгиланган бўлиши мумкин. Агар солиқ имтиёзининг фойдаланиш даври кўрсатиб ўтилмаган бўлса, бу ҳолда ҳисобдан чиқариш даври сифатида солиқ имтиёздан ҳақиқий фойдаланиш даври олиниши мумкин.

Солиқ имтиёзлари асосий воситаларни харид қилиш, кредиторлик қарзларини қоплаш ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва янгилаш учун сарфланганда имтиёз даври ва ҳақиқий ишлатиш даврининг энг кичиги мобайнида тенг улушларда ҳисобдан чиқариб борилиши зарур. Бунда қуйидаги ўтказма берилади :

Дт **8840** “*Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари*”

Кт 8530 “*Текинга олинган мол-мулк*”

Бунда **8531** “Текинга олинган мол-мулк- солиқ имтиёзлари натижасида” суб ҳисобварағини қўллаш ҳам мумкин.

Агар солиқ имтиёзлари жорий мажбуриятларни юзага келтирадиган операцион харажатларни қоплаш учун йўналтирилганда:

Дт **8840** “*Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари*”

Кт 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” 6710 “Ходимларга иш ҳақи бўйича қарзлар ва бошқ. ўтказмаси берилади.

²⁸ “Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом” (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 14-сон, 105-модда).

Солиқ имтиёзлари мақсадли фойдаланиши кўрсатилмаганда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби.

Мақсадли фойдаланиши кўрсатилмаган солиқ имтиёзлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди ва ўз навбатида корхона молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботига ҳам таъсир этмайди. Бухгалтерия ҳисобида бу турдаги имтиёзлар тегишли ўтказмалар билан акс эттирилиши талаб этилмайди.

Бизнинг фикримизча, мақсадли фойдаланиши кўзда тутилмаган солиқ имтиёзларини, ҳисоб ахборотлари тўлиқлиги таъминлаш мақсадида, қуйидагича акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳар бир тури бўйича балансдан ташқари счёт шакллантириб, улар қўлланганда бу ҳисобварақларлар кириш қилиниши мумкин. Бунинг натижасида молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар корхона фойдаланган солиқ имтиёзлари ҳақида тўлиқроқ ахборотга эга бўлиши мумкин.

Солиқ имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш бўйича ҳисоботларни шакллантириш.

Чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар мақсадли фойдаланиши кўзланган солиқ имтиёзларинидан фойдаланиш бўйича белгиланган тартибда йиллик молиявий ҳисоботлар билан бир вақтда солиқ идораларига ҳисобот топширадилар. Қуйида биз “National Plast” ҚК корхонаси учун шундай ҳисоботни шакллантирдик.

8 -жадвал²⁹

Солиқлар мажбурий тўловлар ва божхона имтиёзларини натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳисобот

№	Тўлов тури	Сумма	Асос, имтиёз даври
1	Махсулотни ҚҚС билан реализация қилиш	12 млн сўм	2012 йил 10 апрел ПФ-4434, 10 йил

²⁹ Муаллиф томонидан тузилди.

2.	Ўз эҳтиёжлари учун материални ҚҚС билан харид қилиш	5 млн. сўм	2012 йил 10 апрел ПФ-4434, 10 йил
	Жами имтиёз суммаси	17 млн. сўм	
1.	Мақсадли йўналтирилган имтиёз ,шу жумладан:	10 млн. сўм	
1.1	Асосий воситаларни харид қилиш	10 млн. сўм	

Давлат органлари томонидан мақсадли фойдаланиши зарур бўлган солиқ имтиёзлари устидан назорат олиб борилади. Хусусан, Давлат Божхона Қўмитаси, Солиқ Қўмитаси томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаган корхоналарнинг реестри шакллантирилиб, солиқ имтиёзлари мақсадсиз фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда имтиёзли солиқ ва божхона суммалари штраф ва пенялар ҳисобланган ҳолда ундириб олинади.

2.3. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш.

Чет эл сармоялари иштирок этган корхоналар кўпчилик ҳолларда хорижий корхонанинг таркибий бўлинмаси ёки филиали бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳисоб маълумотлари фақат миллий валютада шакллантирилиши натижасида хорижий корхоналар томонидан йиғма молиявий ҳисоботларни тузишда қийинчилик туғилади. Бу масалани фақат хорижий сармоядор ёки бош корхона учун ҳисоботларни хорижий валютада қайта ҳисоблаш орқали ечилиши мумкин.³⁰

Бу жараёнда хорижий сармоялар иштирокидаги корхона молиявий ҳисоботларининг ҳар бир моддаси қайта ҳисоб китоб қилиниб хорижий таъсисчига тақдим қилиниши талаб этилади. Бир қарашда бу каби қайта ҳисоблаш ҳеч қийинчилик туғдирмаслигига ўхшаса ҳам 2 омил мавжудлиги масалани анча мураккаб қилади.

1. ³⁰ “Financial Accounting 2” CIPAEN, “PRAGMA” 2012 й. 113 б.

- Молия йили давомида ҳисобот валютасининг миллий валютага бўлган курси ўзгариб туради;

- Ҳар бир ҳисобот моддаси молия йилининг турли даврларида шаклланади. (масалан даромад йил давомида шаклланиб борса, асосий воситанинг харид қилинган куни қиймати маълум бўлади).

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботларни қайта ҳисоблаш жараёнида асосий тамойиллар қуйидагилардан иборатдир:

- Хорижий сармоя иштирокидаги корхона активлари ва мажбуриятлари, пул кўринишида бўлишидан қатъий назар, молиявий ҳисобот даврининг охирги куни бўйича қайта ҳисобланиши зарур;

- Корхона даромадлари ва харажатлари содир бўлиш кунидаги валюта курси бўйича қайта ҳисобланиши зарур.

Молиявий ҳисоботларни қайта ҳисоблаш натижасида валюта курсидан фарқлар юзага келади. Бу фарқлар қуйидагиларнинг натижасида рўй беради:

1. Корхона активлари ва мажбуриятларини ҳисобот даври охирги куни бўйича даромадлар ва харажатларни содир бўлиш куни бўйича қайта баҳолаш натижасида;

2. Хорижий сармоядор улушини ҳисобот охирги куни бўйича қайта баҳолаш натижасида (агар киритилган кундаги валюта курсидан фарқ қилса);

3. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхона устав капиталидаги бошқа ўзгаришлар натижасида;

Албатта юқоридаги тамойилларни қўллаш қайта баҳолашни аниқ амалга оширишга олиб келмайди, лекин ҳисоблаш жараёнини енгиллаштиради.

Аслида молиявий ҳисоботнинг ҳар бир моддасини қайта ҳисоблаш хусусиятлари ўзгача. Масалан, асосий воситалар ва уларнинг эскириши қайта баҳоланганда асосий воситани харид кунидаги валюта курсини олиш мақсадга муқофиқ бўлади. Худди шунингдек, товар моддий захиралар учун ҳам харид қилиш кунларидаги валюта курсини асос қилиб олиш мумкин. Агар бу активлар қайта баҳоланган бўлса, бунда қайта баҳолаш кунидаги курс асос қилинади. Албатта, бу каби активларнинг ҳар бир тури учун

валюта курслари қўллаб қайта ҳисоблашни ўтказиш бухгалтерия ҳисобини анча мураккаблаштиради. Шунинг учун оддийгина активларни ҳисобот даври охирги кунидаги валюта курси бўйича қайта баҳолаш мумкин.

Молиявий ҳисоботни қайта баҳолаш натижасида юзага келган валюта курсларидан фарқлар ҳам бевосита молиявий ҳисоботга киритилади.

Қайта ҳисоблаш жараёнини мисолда қўриб чиқамиз.

Англияда жойлашган корхонанинг Ўзбекистондаги филиали хорижий корхона мақомига эга ва юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган.

Қуйида турли саналардаги валюта курслари келтирилган:

31 декабр 2012 йил.

1 АҚШ \$= 1900 сўм

2012 йил учун ўртача курс.

1 АҚШ \$= 1850 сўм

Корхона оддий акциялари чиқарилган кундаги курс 1 АҚШ \$= 1900 сўм

Олдинги молия йили учун қўлланилган ўртача курс 1 АҚШ \$= 1800 сўм

Қуйида берилган корхонанинг молиявий ҳисоботлари қайта ҳисобланишини қўриб чиқамиз:

9- жадвал³¹

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот			
	Сўмда	Танланган валюта курси	АҚШ долларида
Даромадлар	100 000	1850 (2012 йил ўртача курси)	185 000 000
Харажатлар	(40 000)	1 850	74 000 000
Соф фойда	60 000	1 850	111 000 000

10- жадвал³²

³¹ Муаллиф томонидан тузилди.

³² Муаллиф томонидан тузилди.

(сўмда)

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот			
	сўмда	Танланган валюта курси	АҚШ долларида
Ҳисобот даври бошидаги тақсимланмаган фойда	200 000	1800	360 000 000
Жорий даврнинг соф фойдаси	60 000	1850	111 000 000
Ҳисобот даври охиридаги соф фойда	260 000		471 000 000

11- жадвал³³

(сўмда)

Бухгалтерия баланси			
АКТИВ	Сўмда	Танланган валюта курси	АҚШ долларида
Пул маблағлари	20 000	1900	38 000 000
Дебиторлик қарзлари	100 000	1900	190 000 000
Асосий воситалар	300 000	1900	570 000 000
Жами	420 000		798 000 000
МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ			
Кредиторлик қарзлари	150 000	1900	285 000 000
Оддий акциялар	10 000	1900	19 000 000
Тақсимланмаган фойда	260 000		471 000 000
Қўшилган капитал (курс фарқини коррективировка қилиш)			(23 000 000)*
Жами	420 000		798 000 000

³³ Муаллиф томонидан тузилди.

*валюта курсидан фарқлар балансинг актив ва пассив қисмини солиштириш орқали топилади. Мисолда (798 000 000-775 000 000) 23 000 000 сўм Қўшилган капитал ҳисобварағининг дебет қолдиғида акс эттирилади ва шу орқали балансга эришилади.

Юқоридаги молиявий ҳисоботлар хорижий таъсисчи томонидан йиғма молиявий ҳисобот тузишда ёки ўз инвестицияларини ҳаққоний баҳолаш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги молиявий ҳисоботларни қайта ҳисоблаш усули қўлланиши натижасида ҳисоб тизимида қуйидаги масалаларни ҳал этиш имкони юзага келади:

- хорижий инвесторлар корхона активлари ва соф фойда кўрсаткичларини валюта курси таъсиридан ҳоли ҳолда кўришлари мумкин бўлади ва бунинг натижасида қабул қилинадиган қарорлар ўзгариши мумкин.

- молиявий ҳисоботларни хорижий инвестор томонидан концилидация қилиниш жараёнини енгиллаштиради.

- молиявий ҳисоботлар хорижий валютада ифодаланганда бошқа инвесторлар учун янада очикроқ бўлади ва инвестор ўзининг молиявий баҳолашларини ўтказиш имкони юзага келади.

Шуни айтиш жоизки бу усулда молиявий ҳисоботларни қайта ҳисоблаш бизнинг фикримизча бир қатор камчиликларга ҳам эгадир.

Биринчидан, молиявий ҳисоботларни ҳар бир моддаси бўйича қайта ҳисоблашни ўтказиш анча меҳнатталаб жараён бўлиб бу жараён ҳисоб юритиш харажатларини ҳам оширади. Бундан ташқари бу маълумотлар бухгалтерлик баҳолашларига асослангандир. Бизга маълумки, бухгалтерлик баҳолашлари қўлланиши ҳисоб ахборотларини ишончлилик даражасига салбий таъсир этади ва бухгалтер томонидан ахборотни “манипуляция” қилиш имкони юзага келади. Масалан, бухгалтер томонидан валюта курсларининг юқори кўрсаткичларини қўлланиши натижасида

харажатларни камайтириб, даромадларни эса ошириб кўрсатиш имкони юзага келади.

Иккинчидан, молиявий ҳисоботларни қайта ҳисоблашнинг расмий тартиби белгиланмаган ва бу каби молиявий ҳисоботларни шакллантириш мажбурий эмас. Бунинг натижасида ягона ёндашув мавжуд бўлмаслиги натижасида ахборот қиёсланувчанлиги пасаяди.

Шуни таъкидлашимиз мумкинки, бугунги кунда халқаро амалиётда қўлланилаётган молиявий ҳисоботларни қайта ҳисоблаш тажрибаси миллий ҳисоб тизимида ҳам жалб қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ,бизнинг фикримизча, ҳисоб тизимини халқаро даражага яқинлаштириш учун қўйилган яна бир қадам ҳисобланади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар молиявий ҳисоботларини шакллантириш жараёни мавжуд хусусиятлар натижасида фарқланишларга эга. Биз ушбу диссертация доирасида миллий ҳисоб тизими ва ундаги хусусиятларни халқаро меъёрлар билан таққослаган ҳолда, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар молиявий ҳисоботлари ҳақида қуйидаги хулосаларга келдик:

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар молиявий ахборотлан фойдаланувчиларининг ахборотга бўлган эҳтиёжи бугунги кундаги молиявий ҳисоботларнинг стандарт шакллари талаб даражасида эмас. Бизнинг фикримизча, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар учун ҳам одатий ҳисобот шаклларида фойдаланиш ва стандарт ҳисобот тайёрлаш бу турдаги корхоналарнинг ҳисоб тизими ахборотларини тўлиқ ва ошқора ёритилиш имконини бермайди. Бу қуйидаги масалаларда ўз аксини топади.

Миллий ҳисоб тизимимизда молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёни одатда “эҳтиёткорлик” тамойили асосида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида активлар ва мажбуриятларни дисконтланган қийматларда акс эттирилишини ҳам назарда тутди. Аммо амалдаги молиявий ҳисоботларни тақдим қилинишида дисконтланган қийматларни акс эттирилиши бўйича кўрсатмалар ҳам, йўриқномалар ҳам мавжуд эмас. Натижада ахборотдан

фойдаланувчиларнинг чет эллик вакиллари томонидан бу каби камчилик сезиларли деб топилмоқда. Ҳозирги шароитда халқаро тажрибада молиявий ҳисоботларда активлар ва пасивларнинг айрим гуруҳларини ҳаққоний акс эттириш мақсадида дисконт қийматлари ҳисобланишини инобатга олсак, бизнинг фикримизча, миллий ҳисоб тизимида ҳам бу тартибда тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш учун зарурият мавжуд.

Хориж сармоялари иштирокидаги корхоналар молиявий ҳисоботларини тайёрлашда навбатдаги муҳим хусусият бу бухгалтерлик баҳолашларини қўлланишидир. “Бухгалтерлик баҳоси” атамаси халқаро стандартларда илмий асосланган бўлиб, молиявий ҳисоботлардаги айрим масалаларни (кутилаётган зарарлар ва шартли даромадлар, кафолат бўйича хизматлар) акс эттиришда қўлланилади. Бизнинг фикримизча, ҳисоботларни миллий стандартлар асосида тузилишида “бухгалтерлик баҳолар” нинг қўлланиши жуда чекланган, бу эса молиявий ҳисоботнинг “ишончлилики” даражасига таъсир этади. Сабаби, молиявий ҳисоботларда шаклдан мазмун устунлиги таъминланиши зарур. Бу дегани, баъзи ҳолларда расмий ҳисобот шакллари масаланинг вазиятнинг туб моҳиятини очиб бериши учун бухгалтер томонидан баҳолаш талаб этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, чет эл сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг ахборот фойдаланувчилари учун талаб даражасида шакллантирилган “бухгалтерлик баҳолари” қарор қабул қилиш учун муҳим. Шу мақсадда бизнингча, миллий ҳисоб тизимимизда “бухгалтерлик баҳоси” тушунчасининг асосларини ишлаб чиқиш ва уни қўлланишини кенгайтириш зарур. Бунинг натижасида молиявий ҳисоботлар шаффофлигини ҳам ошириш имкони туғилади.

Молиявий ҳисоботларни акс эттиришдаги навбатдаги масала бу бевосита солиқ муносабатларини акс этирилишидир. Олиб борилган изланишлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, бугунги кунда хорижий сармоялари иштирокидаги корхоналар солиқ имтиёзлари молиявий ҳисоботларда етарлича ёритилмаяпти. Бунга асосий сабаб бу белгиланган

молиявий ҳисобот шаклларда маҳсус сатрларнинг мавжуд эмаслигидадир. Солиқ мақсадларида ва бошқа фойдаланувчилар учун ҳам имтиёз сифатида берилган солиқ суммаларининг айнан чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши муҳим ҳисобланади, аммо афсус билан айтиш мумкинки, бугунги кунда бу ҳеч қайси молиявий ҳисобот шаклида ўз аксини топаётгани йўқ.

Бизнинг фикримизча ҳисобланаётган солиқ суммаларини ёритилиши солиқ мақсадлари учун ҳам бошқа фойдаланувчилар учун ҳам қарор қабул қилишга таъсир этар экан, ўз навбатида молиявий ҳисобот шаклларида ҳам улар ўз аксини топиши зарур.

Бизнингча, 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” нинг 250 ва 260 сатрларида кўрсатилган солиқ суммаларини алоҳида имтиёз берилган ва берилмаган қисмини кўрсатилиши натижасида, жорий молиявий ҳисобот даврида айнан солиқ имтиёзлари натижасида қанча маблағ бўшаганлиги яққол кўринади. Бу ахборот хорижий сармоядорлар учун ҳам зарур бўлиб, имтиёзлар самарасини кўрсатади.

Молиявий ҳисоботларни шакллантиришда чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар учун нафақат ўтган операциялар ҳақида ахборот балки келажакда рўй бериши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида баҳолашлар ҳам аҳамиятли. Шундай экан миллий стандарлар ёки қонунчилик томонидан молиявий ҳисобот ёритилишлари бўйича ҳам қандайдир мезонлар ва нормативларни ишлаб чиқиш ҳам анча мақсадда мувофиқ бўлар эди.

Умуман олганда хулоса сифатида айтиш мумкинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва ҳисоботларнинг шаффофлигини ошириш бугунги кунда принципиал масалага айланиб улгурди. Бу масалани ҳал этишда бизнинг назаримизда қуйидагиларни вазифалар бажариш натижасида эришилиши мумкин:

- Хорижий сармоялар қатнашган корхоналар молиявий ҳисобот шакллари халқаро андазалар асосида шакллантирилиши тартиби бўйича махсус йўриқномалар ишлаб чиқилиши бўйича ишлар амалга ошириш;
- Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қайта ҳисоблаш тартибини кенг жорий этиш учун бу усулнинг методолик асосларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб бориш ;
- Чет эллик сармоядорларнинг ҳисоботлардан унумли фойдаланиши учун ҳисоботларнинг халқаро тилларда шакллантириш механизмини жорий этиш тизими бўйича таклифлар кўриб чиқилиши;
- Чет эллик сармоядорлар ва йирик корхоналар томонидан танланган халқаро стандартлар (агар миллий стандартларга жиддий зиддиятлар бўлмаса) бўйича ҳисобот шакллантириш имкониятини яратиш;

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар молиявий ҳисобот шаклларини тузиш жараёнида чет эллик корхонанинг бош корхона мақомида бўлиши натижасида консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллантириш масаласи юзага келади.

Маълумки, БҲХС томонидан ҳисобот тузилмасининг аниқ қатъий чизмаси кўзда тутилмаган. Бироқ, улар ҳисобот эга бўлган айрим таркибий қисмларни, шунингдек, уларнинг акс эттирилиши имкониятини, турлари ва қиймат баҳосини тартибга солувчи қоидаларни ҳам кўзда тутди. Ушбу қоидаларга батафсил тўхталмасдан шунини қайд этамизки, бухгалтерия баланси БҲХСга мувофиқ мулкни, мажбурият ва капитални; молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – даромад ва ҳаражатларни; пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот эса баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдаги даромадлар ҳамда зарарлар тўғрисидаги ўзгаришларни алоҳида акс эттириши керак.

Консолдациялашган ҳисобот- асосий, шўъба, ҳамкорликда назорат қилинадиган ва қарам жамиятлар ҳисоботларнинг маълумотларини ўз ичига олади. Бунинг устига ҳисобот мулк ва молиявий аҳвол, шунингдек, фаолият натижалари жамиятлар бош ва шўъба корхоналари гуруҳи бир бутун ҳолда

кўриниш учун ифода этилган ҳолда тузилиши керак. Ушбу мураккаб вазифа бош ва шўъба корхоналари гуруҳи жамиятлари ҳисоботларининг маълумотларини биринчидан, босқичма-босқич бирлаштириш ёрдамида, иккинчидан, жамият туридан қатъий назар ўз услуби ёрдамида ҳал этилади.

Учинчидан, ҳар бир услуб махсус ҳисоб тартиблари – бош ва шўъба корхоналари гуруҳини бир бутун қилиб кўрсатиш мақсадига эришишга ёрдам берадиган бирлаштириш тартибидан ташкил топади.

Биз чет эл капитали иштирокидаги корхоналар учун умумлаштирилган ҳисоботни тузишни ўрта асосий босқичини ажратамиз:

I-босқич. Ўтиш ҳисоботини тузиш;

II-босқич. Консолдациялашадиган балансларни ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни горизонтал жамлаш ҳамда жамланган маълумотларга эга бўлиш;

III-босқич. Бевосита умумлаштириш.

Биринчи икки босқич ёрдамида бевосита умумлаштиришга фақат тайёргарлик кўриш амалга оширилади, ҳолос. Биринчи босқич зарурлиги шунга боғлиқки, айрим ҳолларда, яъни ҳисоб сиёсати бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг барча жамиятлари учун ягона бўлган зарур ва амалда кўпинча бажариладиган талабларга қарамасдан, асосий жамият ва бош ҳамда шўъба корхоналари гуруҳининг бошқа бирлашаётган жамиятларининг ҳисоботи турли муддатларда ва турли валютада тузилиши, ўз тузилмаси, таркиби ва бандларни баҳолаш бўйича (масалан, бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг хорижий жамиятлари мавжуд бўлса, у ёки бу корхонани сотиб олиш ёки бошқа сабаблар натижасида) бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Бундай ҳисоботларни ушбу фарқларни ҳисобга олмасдан умумлаштириш қонунга тўғри келмайди. Бундай вазиятда Бош ва шўъба

корхоналари гуруҳининг у ёки бу жамияти ҳисоботини ўтиш ҳисоботини тузиш ёрдамида бирлаштиришга тайёрлаш қўл келади. Унинг мақсади – Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи жамиятларининг ҳисоб юритиш сиёсатидан четга чиққан ҳисоботини ўзгартириш ва уни асосий жамиятнинг ҳисоб сиёсати томонидан тақозо этилган ягона талабларга мос ҳолга келтиришдир.

Иккинчи босқичда бирлаштирилаётган жамиятлар ҳисоботи горизонтал равишда жамланади. Натижада ҳар бир банди бирлаштирилаётган жамиятлар ҳисоботининг тегишли позициялари суммасини ифода этадиган умумий баланс пайдо бўлади. Ушбу босқичда консолидациялашган ҳисоботнинг тўлиқ тартиблари ҳамда унга Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг бирлаштирилиши лозим бўлган барча жамиятлар тўғрисидаги тартибларига риоя қилиш устидан алоҳида назорат қилиш керак. Шунинг таъкидлаш жоизки, ушбу босқич фақат шўъба ва ҳамкорликда назорат қилинаётган жамиятларга тегишли, ҳолос. Бунинг устига, агарда шўъба жамиятининг маълумотлари тўлиқ жамланса, ҳамкорликда назорат қилинаётган жамиятлар маълумотлари фақат Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг иштирок этиш ҳажмига мутаносиб улушда жамланади.

Учинчи босқич молиявий натижалар тўғрисидаги консолидациялашган баланс ва ҳисоботни тузишни ўз ичига оладиган бевосита бирлаштиришни ифода этади. Унинг мақсади Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи жамиятлари тўғрисидаги ахборотни ягона иқтисодий тузилма сифатида тақдим этиш.

Бунинг учун жамлангандан сўнг ҳисобот ичидаги қайта ҳисобга олиш, Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи ичидаги муомалалар ҳамда уларнинг натижаларини истисно қилишга йўналтирилган бирлаштиришнинг аниқ тартиби кўзда тутилган. Бирлаштириш тартиблари шўъба ва ҳамкорликда назорат қилинадиган жамиятлар учун бир хил бўлиб, қарам жамиятлар ҳисоботи маълумотларини киритишдан анча фарқ қилади.

Биринчисига қуйидагилар киради:

1) Капитални умумлаштириш;

2) “Мажбуриятлар”ни (дебиторлик, кредиторлик қарзлари ва захиралар) умумлаштириш;

3) “Оралик мажбуриятлар”ни истисно қилиш;

4) Даромад ва харажатларни умумлаштириш;

5) Бирлик назариясига риоя қилиш билан боғлиқ ва техниканинг аниқ номга эга бўлмаган баъзи бир хусусиятларини умумлаштириш.

Дастлабки учта тартиб консолдациялашган балансни тузишга, тўртинчиси эса молиявий натижалар ҳисоботига тааллуқли. Бешинчи пункт унисига ҳам бунисига ҳам тааллуқлидир.

Капитални умумлаштириш – бу баланснинг хусусий капитал бўлимида такрорий қўшиш натижасида умумлаштирилган балансда юзага келадиган такрорлашларни истисно қилиш. Бу такрорий ҳисоб ҳар доим юзага келади, чунки биринчидан бош корхонанинг шўъба жамияти капиталидаги иштирок этиш улуши балансга тушади, иккинчидан, айнан шу капитал шўъба жамиятининг нотўғри ҳисобланган хусусий капитали ролида умумлаштирилган капитал давомида тўғриланади.

Умумлаштирилган ҳисоботни тузишнинг биринчи босқичи бўлган ўтиш ҳисоботи. Юқорида Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи жамиятлари ҳисоботини умумлаштиришга айрим ҳолларда бош корхона талабларига жавоб берадиган ўтиш ҳисоботини тузиш кўринишида тайёрлаш зарурати асосланган эди. Умумлаштиришга тайёрлаш давомида Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи жамиятларининг ҳисоботи лозим бўлса бош корхона валютасида қайта ҳисобланади.

Ўтиш ҳисоботини тузишни бир қанча таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Ушбу ажратиш давомида қўйидаги ўзгаришлар бўлиши мумкин:

- баланс ва ҳисобот тузилмасида молиявий натижалар тўғрисида;
- ҳисобот моддалари таркибида;
- ҳисобот моддаларини баҳолашда;
- ҳисобот моддаларини бир валютадан бошқасига қайта ҳисоблашда.

Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг асосий ва бирлаштирилаётган жамиятлари ҳисоботи таркиби ва тузилмасини ўрганиш ҳамда таққослаш ўтиш ҳисоботини тузишда дастлабки босқич ҳисобланади. Кўпинча бунинг натижасида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва балансни бош ва шўъба корхоналари гуруҳлаш амалга оширилади. Агарда бирлаштирилаётган жамиятлар асосий жамият билан бир мамлакатда бўлса ва ҳисоботни тузишнинг ягона услубларидан фойдаланса, албатта, одатда бунга зарурат туғилмайди. Аммо, чет эл жамиятларининг мамлакат жойлашишининг миллий талаблари бўйича тузилган ҳисоботи асосий жамият талабларига мувофиқ ўзгартирилиши, қайта бош ва шўъба корхоналари гуруҳлаштирилиши мумкин.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот бош ва шўъба корхоналари гуруҳи корхонасининг молиявий ҳисоботини ифода этади. Бу эса ушбу ҳисобот алоҳида жамиятнинг шунга ўхшаш ҳисоботи тузилиши шарт ва қуйидаги асосий тартиблардан фойдаланилаган ҳолда тузилади;

- ҳисоблаш тартиби, унга мувофиқ даромад ва сарф ҳаражатлар пул маблағларини тўлаш ёки уларнинг келиб тушиши эмас, балки уларнинг пайдо бўлиш вақти ҳисобга олинади;
- изчиллик тартиби, унга мувофиқ танланган ҳисоб-китоб сиёсати изчил, бир даврдан иккинчисига қўшилиши керак.
- корхона фаолиятининг узлуксизлик тартиби, бунга мувофиқ келгусида унинг фаолияти тўғрисидаги таклиф кўзда тутилади. Мабодо бу режалаштирилмаган ёки мумкин бўлмаса, ушбу вазиятда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби жорий қилиниши керак.

Бундан ташқари, алҳида жамият ёки бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг молиявий ҳисоботида акс эттирилган ахборотга тақдим этилаётган сифатли ўзига хос хусусиятлар ҳам шунга ўхшаш ҳисобланади. Бунга қуйидагилар киради:

Тушуниш (аниқлик) тартиби. Бу ҳисобот ахбороти шу тарзда тақдим этилиши керакки, мутахассислар уни ўқиётганида ҳеч қандай жиддий


муаммога дуч келмасликлари лозим. Бироқ, бу қарор қабул қилиш учун муҳим бўлган ушбу ахборотни агарда у мажмуавий ва тушуниш қийин бўлса чоп этилмасин дегани эмас.

Жиддийлик тартиби. Маълумки, ахборот жиддий бўлса у қарор қабул қилиш жараёни учун ҳисобот даврларининг маълумотлари асосида тахмин тузилиб, олдинги тахминлар тасдиқланса ёки тузатилса фойда келтиради. Молиявий ҳисоботлар шу тарзда жамият ишлари аҳволининг ўзига хос индикатори ҳисобланиши ва барча релевант ахборотни тақдим этиши керак. Ахборотнинг моддийлиги унинг муҳимлиги учун дастлабки шарт-шароит ҳисобланади. ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий ахлоқига ахборотни чоп этиш ёки яшириш орқали таъсир қилиш имконияти аҳамиятлилиқ мезони ҳисобланади.

Солиштириш тартиби. Бунда ҳисоботда олдинги даврлардаги солиштирма маълумотларни келтириш тушунилади. Шу мақсадда ҳисоботни тузишда жамиятнинг ҳисоб-китоб сиёсатини, ундаги ўзгаришларни очиқ бериш, шунингдек, ушбу ўзгаришлар оқибатларининг қийматини ифода этган ҳолда баҳолаш лозим.

Муҳимлик чегараларига риоя қилиш ва ахборотнинг ишончлилиги тартиблари. Бу ахборотнинг фойдалилиги ҳисоботда акс эттирилган сарф ҳаражатлар билан боғлиқликка нисбатан юқорироқ бўлиши кераклигини англатади. Ишончлилиқ ва вақтинчалиқ яқинлик ўртасидаги балансни шундай танлаш керакки, ҳисоботдан фойдаланувчи қарор қабул қилишда унинг эҳтиёжларини қондиришга тўққинлик қилмаслиги лозим.

Консолидациялашган ҳисоботни тузиш учун баъзи бир ўзига хос ва кенгайтирилган тартиблар ва қоидалар ҳам мавжуд. Қуйида уларнинг асосийларини келтирамыз:



1-чизма. Консолидациялашган ҳисоботни тузиш учун кенгайтирилган тартиблар.

1. Бош ва шўъба корхоналари гуруҳини нафақат янги иқтисодий, балки юридик шахс сифатида тақдим этиш тартиби. Ушбу тартиб бош ва шўъба корхоналари гуруҳини мустақил иқтисодий тузилма сифатида кўриб чиқиш шарт-шароити асосларидан келиб чиқади. Ташкилотлар бош ва шўъба корхоналари гуруҳига айрим жамият ва юридик шахс мақоми ёлғондан берилади, шўъба жамиятлари эса ушбу мақомни ёлғондан йўқотади. Айнан ушбу тартибга мувофиқ бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг бухгалтерия ҳисоботи:

2. оддий жамият ҳисоботига мос келиши керак;

3. бош ва шўъба корхоналари гуруҳи жамиятлари ўртасидаги операциялар ва уларнинг натижалари аниқланиши ва истисно қилиниши керак.

4. Тўлиқлик тартиби. Ушбу тартиб барча ташкилотлар қаерда жойлашгани ва фаолият туридан қатъий назар, аниқроғи, улрнинг мулклари, мажбуриятлари, даромад ва ҳаражатлари умумлаштириш жараёнида ҳисобга олинишини англатади. Шу тарзда бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг мулк ва молиявий аҳволи, унинг фаолияти натижалари тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши таъминланади.

5. Ягона ҳисобот даври тартиби. Ушбу тартиб бирлик назариясидан келиб чиқади ва барча бош ва шўъба корхоналари гуруҳи учун ягона ҳисобот даври ҳамда яғна ҳисобот муддатини аниқлаш лозимлигини англатади. Шундай қилиб, бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг барча жамиятлари қисман баланслари битта аниқ муддатга, яъни бош корхонанинг ҳисобот даврида тузилиши ва умумлаштириш лозим.

6. Ҳисоб сиёсатининг ўзгармаслик тартиби. Ушбу тартиб бош ва шўъба корхоналари гуруҳи ҳисоботи маълумотларининг бирлиги ва таққосланишини таъминлаш учун катта рол ўйнайди. ҳисоб-китоб сиёсати бир неча ҳисобот даври мобайнида изчил қўлланилиши, ундаги ўзгаришлар эса махсус асосланган бўлиши керак. Ушбу ҳолатда ҳисоб-китоб сиёсатига капитални ва мажбуриятларни умумлаштириш, ички айланма маблағлар ва оралиқ натижаларни истисно қилиш, ҳамкорликда назорат қилинаётган жамиятларни умумлаштириш, бирлаштирилаётган жамиятлар доирасини аниқлаш, шунингдек, умумлаштириш давомида юзага келадиган у ёки бу рад этишларни акс эттириш усуллари киради.

Ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш тажрибаси халқаро тажриба кенг қўлланиб келинади, аммо миллий ҳисоб тизимимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш амалиёти ҳали тўлиқ жорий этилмаган. Шу мақсадда бу масала халқаро амалиёт ёрдамида такомиллаштирилишни талаб этади.

3- БОБ. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари.

3.1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби самарадорлигини ошириш йўллари.

Ҳозирги шароитда корхоналарда ташкил этилаётган ҳисоб тизимининг олдида қўйилаётган асосий масалалардан бири бу кам харажат самарали ҳисоб тизимини ташкил этишдир. Ҳисоб тамойилларидан бири ҳам бевосита “нафтилиқ”дир. Яъни корхонадаги ҳисоб тизимини ташкил этишга қилинган харажатлар у келтирган нафдан ошиб кетмаслиги зарур. Бундан ташқари ҳисоб тизими ўз хусусияти бўйича қарор қабул қилиш учун энг зарур ахборотни энг қисқа муддатларда етказиб бериш имконига эга бўлиши зарурдир.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда ҳисоб тизими самарадорлигини оширишни 2 йўналишга бўлишимиз мумкин:

Биринчидан, бу бевосита корхонада молиявий ҳисоб самарали ташкил этилиши ва молиявий ҳисоботларни шакллантирилиши бўйича амалий ва назарий тажриба.

Иккинчидан, корхонада ҳисоб тизимини функционал хусусиятларини такомиллаштириш тажрибаси бўлиб, бунда бошқарув ҳисобини самарадорлиги ошириш йўналишидир.

Молиявий ҳисоб самарадорлигини ошириш йўллари.

Чет эл капитали иштирок этган корхоналарда молиявий ҳисоб жараёнини самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан корхона бутун ҳўжалик жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни корхонада молиявий ҳисобнинг самарали юритилиши натижасида корхона ҳўжалик фаолиятини яхшилаш (ресурслардан оқилона фойдаланиш, таннархни пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш) га эришиш мумкин.

Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар молиявий ҳисоб тизими таҳлилий ўрганилган ҳолда, биз томонимиздан қуйидагилар аниқланди:

а) хорижий инвестициялар ҳисоби бўйича миллий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиб ва йўриқномаларнинг мавжуд эмаслиги натижасида хорижий инвестициялар ҳисобида турли хил талқинларга дуч келишимиз мумкин. Масалан, корхона устав капиталига киритилаётган инвестицияларнинг ҳисоби аналитик ҳисоб қайдномаларида фақат миллий валюта сўмда юритилса, бошқа ҳолларда эса хорижий валютада юритилишини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатда инвестицияларни киритилгандан кейин ҳисоби бўйича белгиланган йўриқнома ишлаб чиқиши, бизнингча, бу ҳолатга ойдинлик киритган бўлар эди.

б) Маълумки хорижий ҳисоб тизимида ҳисоб мақсадларида асосан инвестициялар ҳисобида “дисконтланган қиймат” фойдаланилади. Аммо, миллий ҳисоб стандартларимизда бу тушунча қўлланиши ва қўллаш тартиби бўйича ҳеч қандай йўналиш берилмаган. Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда инвестициялар ҳисобини ташкил этишда, айниқса хорижий инвестициялар ҳисобини, замонавий жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўлланиб келинадиган “дисконтланган қиймат” ни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг натижасида молиявий ҳисобнинг самарадорлиги кўйидагича ошади:

б.1. Дисконтланган қийматнинг қўлланиши натижасида инвестицияларнинг қийматини янада ҳаққоний баҳолаш имкони юзага келади. Бунинг натижасида янглиш бошқарув қарорларини олди олинади.

б.2. Дисконтланган қиймат қўлланиши орқали ҳисоб маълумотлари инвестицион лойиҳа фойдалилигини аниқлаш имконини беради. Бу корхонада хорижий инвестициялар нақадар самарали ишлатилаётганини аниқлаш учун ҳам зарур.

б.3. Дисконтланган қийматнинг қўлланиши халқаро стандартлар томон қўйилган яна бир қадамдир.

Биз илмий изланишлар олиб борган корхонада хорижий инвестициялар дисконтланган қиймат бўйича аниқлаш тартибини ишлаб чиқдик ва ҳисоб сиёсати билан ушбу ҳисоб китобларимизни мустаҳкамладик.

Бунда корхонада қуйидаги натижаларга эришилди:

- корхонага киритилган реал инвестиция ҳажмини аниқлаш имкони юзага келди ва бу корхонанинг истиқболли бизнес режаларига ўзининг таъсирини ўтказди.
- Корхонадаги хорижий инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланди ва бу ахборот корхона таъсисчилари учун тақдим қилинди.
- Хорижий инвестицияларнинг аналитик ҳисобини юритиш бўйича ҳисоб қайдномаларининг шакллари такомиллаштирилди ва хорижий тилга ўтирилди. Бунинг натижасида ушбу ҳисоб ахборотларидан чет эллик ҳамкорларнинг фойдаланиш имкони юзага келди.

Ҳисоб тизимини функционал хусусиятларини такомиллаштириш йўллари. Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби ўзининг функционал хусусиятларини ўзгартириб, такомиллаштириб бормоқда. Корхонада ҳисоб тизимининг вазифалари ва мақсадлари сезиларли даражада кенгайиб корхона миқёсинигина эмас, балки бутун бизнес муҳитини қамраб олмоқда. Масалан, жаҳонда бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан деб қаралган молиявий ҳисоб ва ҳисобварақларни юритиш ахборот технологияларнинг ривожланиши натижасида бухгалтернинг иш вазифаларининг фақатгина арзимаган қисмини ташкил этади.

Хусусан чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарда ҳам, ўз навбатида ахборотга бўлган талабнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув ҳисобининг янги жабҳалари юзага кела бошлади. Бу бухгалтердан етарлича таҳлил ва баҳолашларни ўтказишни, қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборотни шакллантиришни талаб этмоқда.

Шу мақсадда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини назорат қилиш, режалаштириш, баҳолаш учун бошқарув ҳисобида қуйидаги услублардан жаҳон тажрибасида фойдаланиб келинмоқда:³⁴

- **Стратегик бошқарув ҳисоби.** Инвестиция киритилган корхона истиқболли кўрсаткичларини баҳолаш бўлиб, корхонанинг бозордаги ўрни

³⁴“Управленческий учёт” Т: “УЗНАБА”, СІРАЕН. 2009 г, 115-б.

рақобатчилардан устун томонлари маҳсулотларининг истеъмол қилиниш прогнозлари харажатларни камайтириш истиқболлари каби йўналишлар ўрганилади.

• **Хорижий сармоя иштирокидаги корхона молиявий ҳисоботиға илова.** Бу услубда хорижий инвесторлар учун умуман капитал киритувчи учун қизиқарли бўлган (қарор қабул қилиши учун таъсир этадиган) “муқобил соф фойда” кўрсаткичи ҳисоблаб топилади.³⁵

12 -жавдал

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ҳисобланадиган “муқобил соф фойда” кўрсаткичи

Кўрсаткич номи	Сатр коди	Сумма
Сотишдан олинган даромад	001	
Сотишдан олинган даромад (хорижий таъсисчиларга)	002	
Соф четга сотишдан олинган даромад (001-002)	003	
Ўзгарувчан харажатлар	004	
Фойдага киритилган маржинал даромад (003-004)	005	
Корхона ўзи томонидан бошқариладиган ўзгармас харажатлар	006	
Бошқариб бўладиган фойда (005-006)	007	
Корхона томонидан бошқарилмайдиган ўзгармас харажатлар	008	
Корхона фойдаси (007-008)	009	
Фойдадан тўланган солиқлар	010	
Маҳалий таъсисчиларга тўғри келадиган фойда	011	

³⁵ Kaplan Robert S. Cost and Effect: Using Integrated Cost System to Drive Profitability and Performance. President and Fellows of Harvard College, USA, 1998.

Кўрсаткич номи	Сатр коди	Сумма
Хорижий сармоядорларга берилган дивидендлар	012	
Хорижий сармоядорлар ихтиёридаги фойда (009-010-011-012)	013	

Ушбу жадвалда кўришимиз мумкинки, корхона соф фойдасига муқобил равишда корхонада хорижий инвестор айнан ишлаб топган мутлақ фойда суммаси ҳисоблаб топилмоқда. Кўрсаткичларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак 001 сатрдаги кўрсаткич 2-молиявий ҳисобот шакли “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” даги 010 сатрга мос келади. 010 сатрдаги Фойдадан тўланган солиқлар кўрсаткичи ўз навбатида 2- молиявий ҳисобот шаклидаги 250 ва 260 сатрлар йиғиндисини ифодалайди. Бошқа кўрсаткичлар молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаса ҳам, бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан аниқланиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки “Корхона фойдаси” **009- сатрдаги кўрсаткич “Корхона солиқ тўлангунча фойдаси”** кўрсаткичи эмас ва фақат юқоридаги кўрсаткични ҳисоблаб топиш мақсадида ҳисоблаб топилади.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳисоблаб топилиши хорижий инвесторлар учун қуйидаги имкониятларни яратади:

- Хорижий инвестициялар корхонада инвесторга тегишли бўлган соф фойда кўрсаткичини аниқлаб беради;

- Хорижий инвесторлар учун корхонанинг соф четга реализациядан олган даромади суммасини кўриш имконияти мавжуд бўлади;

Бизнинг фикримизча, юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали бошқарув қарорлари қабул қилиниши енгиллашади ва корхона фаолиятига баҳо бериш имконияти юзага келади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ахборот шаффофлигини ошириш усуллари.

Хориж инвестициялари иштирок этган корхоналар ҳисоб тизимида асосий масалалардан бири бу юқори даражадаги ахборот шаффофлигини таъминлашдир. Бинобарин, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш, юқори даражадаги ахборот очиклигини таъминлаш ахборот шаффофлигини ошириш орқали таъминланиши мумкин.

Ҳозирги шароитда хориж инвестициялари иштирок этган корхоналарнинг ахборот тизими таҳлил этилганда, шу нарса аниқ бўлдики, корхоналарда ҳисоб тизими транспарентлиги масаласига етарли даражада эътибор қаратилмайди.

Бизнинг фикримизча бу масала қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- Хориж инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳисоб маълумотлари халқаро андазалар доирасида тузилмайди, бунинг оқибатида чет эллик инвесторлар учун максимал даражадаги объектив ахборот олиш имкони мавжуд эмас.
- Хориж инвестициялари иштирокидаги корхоналар молиявий бозорларда ва жаҳон товар ҳом ашё биржаларида иштироки етарли даражада эмас, бу эса молиявий ҳисоботларнинг талаб даражасида эмаслиги натижасида юзага келмоқда;
- Корхоналарда ахборот тизими шаффофлиги юзасидан муаммолар бевосита ички назорат тизимига ва охир оқибатда молиявий ресурслар ҳавсизлигига таъсир этмоқда;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар шаффофлик масаласи натижасида қўшимча янги инвестициялар киритиш жараёнига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ахборот

шаффофлигини ошириш йўллари ва усуллари устида илмий изланишлар олиб бориш талаб этилади.

Молиявий ҳисобот шаффофлигини ошириш бир томондан ички назорат тизимини такомиллаштириш, назорат функцияларини кучайтириш, бюджетлаштириш, режалаштириш ва таҳлил жараёнларини оптимиллаштириш, таваккалчиликни бошқариш тизимларини такомиллаштириш билан таъминланса, бошқа томондан эса БХҲС (Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари) га ўтиш орқали амалга оширилади.

Биз томонимиздан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳисоб тизимини ўрганган ҳолда, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ахборот шаффофлигини оширишнинг қуйидаги усуллари ишлаб чиқилди:

- Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ўзига ҳос хусусиятларни инобатга олган ҳолда янада самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқиш;
- Чет эл инвестициялари билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш;
- Операцион ва молиявий ахборотларнинг ишонарлилик даражасини ошириш;
- МХҲС (молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари) ни жалб этиш: бунинг оқибатида акциядор ва молиявий манфаатдор шахсларнинг ахборотга бўлган ишончи ортади, корхона хўжалик фаолияти ҳақида янада шаффоф ахборотга эга бўлиш мумкин бўлади.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар хусусиятларини инобатга олган ички назорат тизими шакллантириш.

Чет эл сармоялари иштироки натижасида корхона ички назорат тизимини ташкил этиш жараёнида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз беради. Ички назорат тизими умуман олганда корхонанинг транспарент молиявий ҳисоботларини шакллантиришнинг асосий мезонларидан ҳисобланади.

Корхона активлари устидан назорат ўрнатиш, молиявий ресурсларнинг сарфланиши, мажбуриятларнинг сўндирилиши, оператив ахборот билан таъминлаш буларнинг барчаси фақатгина пухта ишлаб чиқилган ички назорат тизими ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарда молиявий ахборотларнинг шаффофлигини ошириш мақсадиди, бизнинг фикримизча, ички назорат тизимини шакллантиришда қуйидаги масалаларни инобатга олиш зарур:

- чет эллик ҳамкорлар билан келишган ҳолда корхона бошқарув аппаратини шакллантириш;
- корхонада ички ҳужжатлар айланиш тизимини электрон шакллантириш;
- чет эл капитали ва активларини самарали бошқариш ҳамда назорат этиш тизимини ишлаб чиқиш;
- корхона молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мониторинг тизимини шакллантириш;
- корхона бизнес сирлари ва махфий ахборотлари шаклланиши ва уларнинг ҳавсизлигини таъминлаш;
- маъсул, ҳисобдор ва жавобгар шахсларни тайинлаш, улар устидан назорат ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш;
- хорижий шерикларни ахборот билан таъминлаш муддатлари ва шакллари устидан назоратни таъминлаш;
- корхона солиқ сиёсатини шакллантириш ва унинг устидан мониторинг ўрнатиш;

Юқоридаги масалалар инобатга олган ҳолда тузилган ички назорат тизими натижасида хориж капитали ҳавсизлигини таъминланади ва унинг самарадорлиги ошади, бундан ташқари корхонада молиявий ҳисоботнинг янада юқори даражадаги транспарентлигига эришиш мумкин бўлади.

Чет эл инвестициялари билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги шароитда чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда киритилаётган инвестицияларнинг ҳажми сезиларли даражада катта бўлганлиги сабабли бу турдаги корхоналарда юзага келаётган бизнес таваккалчилигининг даражаси ҳам юқори.

Бизга маълумки, ахборотнинг мавҳумлик даражаси ва иқтисодий таваккалчилик даражаси ўзаро тескари алоқага эга. Яъни корхона хўжалик фаолияти жараёнида иқтисодий таваккалчиликнинг юқорилиги ва молиявий рискларнинг бошқарув тизимининг мавжуд эмаслиги бевосита корхона молиявий ахборотининг шаффофлик даражаси пастлигига олиб келади. Бунинг натижасида молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган ишончи пасаяди ва бу эса ўз навбатида хорижий инвестициялар ҳажмининг пасайиши билан давом этади.

Шу мақсадда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ахборот тизими ўрганилганда, шу нарса аниқ бўлдики, бу турдаги корхоналарда ахборот транспарентлигини ошириш йўналишларидан бири бу корхонадаги ички хўжалик рискларини бошқариш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқишдир.

Бизнинг фикримизча, ички хўжалик рискларини бошқариш ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш натижасида қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- хорижий инвесторлар учун капитал билан боғлиқ таваккалчилик даражасига аниқ баҳо бериш мумкин ва инвесторнинг молиявий бошқарув стратегиясини шакллантириши учун муҳим аҳамият касб этади;
- таваккалчилик даражаси маълум бўлган ҳолда молиявий ҳисоботларни талқин қилинишида янглиш қарорларнинг олди олинади ва бу инвесторларнинг капитал ҳавсизлигини таъминлашга ҳизмат қилади;

- таваккалчиликни бошқариш мавжуд ҳолларда молиявий ҳисоботлардаги “бухгалтерлик баҳолашлар” ини аниқлилик даражаси ортади бу эса молиявий ҳисоботларнинг сифат даражасига ижобий таъсир этади.

Албатта, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда таваккалчилик даражасини бошқариш тизими одатий тизимлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эгадир. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда ички таваккалчилик даражасини бошқариш ва баҳолаш тизимини шакллантиришда, бизнинг фикримизча, қуйидаги масалаларни инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- хорижий капитал киритилиши натижасида корхонада юзага келадиган қўшимча иқтисодий рискларни аниқлаш ва баҳолаш;
- устав капитали хорижий валютада шакллантирилганлиги туфайли чет эл валютаси курси бўйича юзага келадиган рискларни аниқлаш ва бошқариш;
- кутилаётган даромад даражасига хорижий шерикларнинг молиявий ҳолати ўзгариши натижасида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолаш;

Ички ҳўжалик рискларини баҳолаш ва бошқариш корхонада бошқарув тизимининг таркибий қисми сифати ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, чет эл инвестициялари катнашган корхоналарда шаффофликни таъминлаш бу асосий мақсад эмас, балки мақсад томон этувчи йўлдир. Яъни шаффофликни таъминлаш корхона иқтисодий кўрсаткичларини оширишга, қарор қабул қилиш сифатини ошириш орқали корхоналарни жаҳон бозорларига интеграциялашувини оширишга хизмат қилиши зарур.

Шаффофликни таъминлаши инвесторлар учун “ижобий ҳолат” деб ҳисобланади ва бу корхона молиявий ҳисоботларига ишонч билан қаралишини таъминлайди.

Молиявий ахборотдан фойдаланувчилар учун ахборотнинг хаддан ташқари ошкоралиги корхона рақобатчилари учун қўл келиши зарур. Шунинг учун ҳам чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ошкоралик таъминланаётганда корхона ички бизнес сирлари ва ахборотларнинг хавфсизлик даражаси ҳам инобатга олиниши зарурдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бугунги кунда молиявий ахборотларнинг юқори даражадаги ошкоралик даражасини таъминлаш инвестицион муҳитнинг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Юқорида биз томондан тавсия қилинаётган шаффофликни ошириш усуллари қўллаш орқали хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизимини яхшилашда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади:

- чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналар молиявий ҳисоботларининг сифат тавсифлари яхшиланади;
- молиявий ҳисоботлар халқаро даражада қўлланилиши имкони юзага келади бунинг натижасида эса корхона жаҳон фонд бозорларида иштирок этиш имкони юзага келади;
- корхона молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчилар қарор қабул қилиш сифати ошади ва янглиш қарорларнинг олди олинади;
- корхона капитали билан боғлиқ таваккалчилик даражасини баҳолаш имкони юзага келади;
- корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширади ва бунинг натижасида бизнес лойиҳалар учун янги инвесторларни жалб этиш имкони юзага келади.

3.2.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасида барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунга келиб ўзининг натижаларини бермоқда. Айниқса жаҳондаги иқтисодий инқироз ҳукм сураётган ҳозирги даврда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланаётгани дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, иқтисодчи олимлари томонидан тан олинмоқда. Бу юксак натижалар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган оқилона иқтисодий ислохотлар самарасидир.

Юқоридаги режалардан ҳулоса қилган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби халқаро тизими ва андозалари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Бухгалтерия ҳисоби халқаро андозалари Мюллер, Хернонларнинг фикрича, «бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича умум қабул қилинган қоидалардир».³⁶ Бу қоидалар, халқаро тажриба кўрсатишича, бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоб деб аталмиш қисмини ташкил қилиш учун асослар бўлиб хизмат қиладилар, чунки ривожланган бозор иқтисодиёти мавжуд мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби иккига, яъни молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг мақсади, унинг иккига бўлиниши эҳтиёжи пайдо бўлишини асослаш учун молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тизимини кўриб чиқиш зарур.

Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тизими ҳақида фикр юритиш учун бу янги иборанинг мазмуни ва моҳиятини англаб етиш керак. Молиявий ҳисоб алоҳида ўрганлиши керак бўлган ҳисоб тури эмас, балки уни бухгалтерия ҳисобининг бир бўлаги сифатида тушунмоқ лозим бўлади. Шунингдек, молиявий ҳисоб моҳияти, мазмуни, аҳамияти ва вазифалари билан танишиб чиқиш учун бухгалтерия ҳисоби бўйича жаҳон амалиёти

³⁶ Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г. Учет: Международная перспектива. - М: Финансы и статистика, 1992 г (72-бет)

ҳамда таҷрибасига мурожаат этиш керак. Бу омилларни ҳисобга олиб, биз халқаро бухгалтерия ҳисоби тизими ва миллий бухгалтерия ҳисоби тизимлари билан танишиб чиқамиз.

«Бухгалтерия ҳисоби тизими деб, бу шундай яхлит тизимга айтиладики, у ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таъминот, сотиш жараёнларини бирлаштириб кўрсатувчи, макро ва микро даражада стратегик ва тактик масалаларни ҳал қилишга имконият берувчи бухгалтерия ҳисоблари режасига асосланган бўлади»³⁷.

- Макро ва микро даражада қарорлар қабул қилиш учун етарли даражада ахборотни олишда ривожланган миллий бухгалтерия андозаларининг мавжудлиги ва унинг ишлатилиши.

- Бухгалтерия ҳисоботининг миллий ҳисоблар режаси. Ҳисоблар режаси ҳисоб тизимининг мақсадига мос келиб, энг асосий ўринда туради. Ҳисоблар режаси мулкчилик шакллари, баҳоларнинг ташкил топиш усул ва услублари, давлатнинг солиқ сиёсати кабиларга узвий боғланган равишда тузилиб, ҳисоб тизимининг мақсади ва вазифаларига мос тушади.

- Корхона ва ташкилот микёсида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тизими. Жаҳон таҷрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, кўпгина ҳисоб тизимларида бухгалтерия иккига, яъни молиявий ёки умумий ва бошқарув бухгалтерия ҳисобига бўлинган бўлади. Молиявий ёки умумий бухгалтерия ҳисоби корхонанинг давлат, банк, акционерлар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, сармоядорлар ва бошқа алоқадор ташкилотларни ахборот билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланади.

Миллий ҳисоб тизимига мос келувчи ташқи ёки молиявий бухгалтерия маълум бир даражада давлат томонидан белгиланади, баъзи ҳолларда бир неча давлат томонидан аниқлаб берилади. Бу молиявий ҳисоб тури кўпроқ ташқи алоқалар билан боғлиқ бўлгани учун давлат томонидан аралашув турли корхона, ташкилот, муассаса ва фирмалар молиявий ҳамда мулкӣ

³⁷ Юсупова М.Б., Жумабоев Ғ.Б. Молиявий ҳисоб тамойиллари. Андижон – 1999 йил. (4-бет)

фаолиятини бир хил баҳолаш, молиявий натижалар, яъни фойдани аниқлаш бир хил усулда амалга ошириш учун ташкил этилади.


Молиявий ҳисоб ташқи фойдаланувчилар учун корхона фаолияти ва унинг натижалари ҳақида маълумот беради. Молиявий ҳисобнинг мақсадлари ва вазифалари турлича бўлгани сабабли, ҳисоб турлари тубдан фарқ қилади. Молиявий ҳисоб умумқабул қилинган андозалар ва тамойиллар асосида юритилади. Айнан шу андоза ва тамойиллар молиявий ахборотнинг ёзилиши, баҳоланиши ва топширилишини тартибга солиб туради. Ҳисобнинг бу умумқабул қилинган тамойиллари кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиб, олинадиган ахборотга ишончни кучайтиради, лекин бухгалтериянинг усул ва услубиётларини танлаш имкониятини чегаралайди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи андозалари ҳамда ривожланиши муаммолари билан эса давлатларaro ташкилотлардан ташқари 6 та халқаро профессионал ва уч та халқаро касаба уюшмаси ташкилотлари шуғулланишади. «Бухгалтерия ҳисоби моделлари ҳар хиллиги муаммоси Ўзбекистон Республикаси учунгина эмас, жаҳон миқёсида ҳам долзарб бўлиб турибди. Бутун дунёда молиявий ҳисоботлар тузиш ва улардан фойдаланиш жараёнида бухгалтерия ҳисобини бир хиллаштириш эҳтиёжи юзага келмоқда.

Бу ташкилотларнинг мақсади молиявий ҳисоботларни тузишда амал қилиниши керак бўлган андозаларни ишлаб чиқиш ва уларни қўлланишига ёрдам ва молиявий кўмак беришдир. Ишлаб чиқилган андозалар ҳисобнинг айрим бўлаклари бўйича терминология, тушунча, асосий тамойил ва услубиятларни аниқлаб беради.

Ҳозирги пайтда уни хал этишга уйғунлаштириш ва андозалаштиришдан иборат икки хил ёндошиш айниқса кенг тарқалган. Аввалига ушбу икки хил ёндошиш умумий тамойиллари жиҳатидан ҳам, амалга ошириш хусусиятлари жиҳатидан ҳам фарқланар эди. Бироқ кейинги йилларда

кўпинча ҳар иккала атама синонимлар ёки бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар сифатида қўлланилмоқда»³⁸



2-Чизма. Бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро профессионал ташкилотлар.

Бухгалтерия ҳисоби турли тизимларни уйғунлаштириш тамойили Европа Иттифоқи доирасида амалга оширилмоқда. Унинг моҳиятии шундаки, ҳар бир мамлакатда ҳисобга олишни ташкил этишнинг ўз модели ва уни тартибга солувчи андозалар тизими мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу андозалар ҳамжамият мамлакатларидаги шунга ўхшаш андозаларга зид бўлмаслиги, яъни бир-бири билан нисбий «уйғунлик»да бўлиши зарур.

Ҳисобга олиш омилларини андозалаштириш ғояси бўйича эса шунини айтиш керакки, молиявий ҳисоботлар халқаро андозалари қўмитаси (International Accounting Standards Committee) эса молиявий ҳисоботлар халқаро андозалари (International Accounting Standards)ни ишлаб чиққан ва

³⁸ Мўминова С. Молиявий ҳисоботларни бирхиллаштириш усуллари. Бозор, пул ва кредит. Журнал. 9-сон - Т.: 2001 йил, 64,65-бет

эълон қилган ҳолда амалга ошираётган ҳисобга олишни бир хиллаштириш доирасида руёбга чиқариб борилмоқда. Ушбу ёндошишнинг моҳияти – мамлакатдаги ҳар қандай вазиятда қўлланилиши мумкин бўлган бир хиллаштирилган андозалар тўпламини ишлаб чиқишда ва шу туфайли миллий андозалар зарур бўлмай қолишидадир. Ягона андозаларни жорий этиш масаласида шуни айтишимиз керакки, бунга қонун чиқариш йули билан эмас, балки ҳар бир мамлакатда ҳисобга олиш билан шуғулланадиган мутахассислар ва ташкилотларнинг қўнгилли равишда келишишлари йўли билан эришиш яхши натижа беради.

Халқаро андозалар тобора оммавийлашишга иккита воқеа сабаб бўлган:

Биринчи воқеа - молиявий ҳисоботлар халқаро андозалари қўмитаси ва қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилоти – (International Organization of Securities Commissions) ўртасида битим имзонланганлигидир. Ундан АҚШ молиявий доиралари ва конгресснинг Америка биржаларида акциялар жойлаштиришга қўпроқ чет эл компанияларини жалб этишга интилишлари акс этирилган. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилотига 1998 йил 12 январда қўшилди. Ўшанда Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли (16-сонли) қарори билан қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар халқаро ташкилотидаги ваколатли давлат органи - қимматли қоғозлар бозори ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази белгиланди.

Иккинчидан, Германиянинг бирлашиши молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларга ўтишни тезлаштирди. Ушбу бирлашиш оқибатида мамлакатга сармоялар жалб этиш эҳтиёжи кучайди. Шу муносабат билан компанияларнинг молиявий фаолиятини ташқи фойдаланувчиларга, масалан, фонд биржалари ёки халқаро инвесторларга йуналтириш зарур эди. Шу сабабли, фонд биржаларининг листингига кирадиган ва консолидацияли молиявий ҳисоботлар тузадиган компаниялар молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларни қабул қилишга мажбур бўлган эди.

Ҳозирги пайтда молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларидан фойдаланишнинг бир неча усули мавжуд. Бунини жадвал ёрдамида изоҳлаш мумкин. (13-жадвал)

13–жадвал.

Халқаро андозалардан фойдаланиш усули ва хусусиятлари

К Ў Р С А Т К И Ч Л А Р	М А М Л А К А Т Л А Р
1. Халқаро андозаларни миллий андозалар сифатида қўллаш:	
а) Ўзгаришсиз	Кипр, Қувайт, Латвия, Мальта, Покистон, Тринидад, Тобаго ва Хорватия
б) Янги ҳолат ва масалаларни инобатга олган ҳолда	Малайзия ва Папуа – Янги Гвинея
с) Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда	Албания, Бангладеш, Барбадос, Замбия, Зимбабве, Кения, Колумбия, Польша, Судан, Таиланд, Уругвай ва Ямайка
2. Халқаро андозалар асосида миллий андозаларни ишлаб чиқиш:	
а) қўшимча тушунтиришлар билан	Хитой, Эрон, Словения, Тунис ва Филиппин
б) Такомиллаштириш асосида	Бразилия, Хиндистон, Ирландия, Литва, Мавритания, Мексика, Намибия, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Сингапур, Словакия, Туркия, Франция, Чехия, Швейцария ва ЖАР
с) Таққослаш асосида	Австралия, Дания, Италия

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларини тузишда халқаро андозаларга такомиллаштиришга асосланиши биз учун ахборотни очишнинг аксарият меъёрлари мамлакат учун нисбатан янги эди. Уларнинг амалда қўлланилиши услубий қўлланмалар ва йуриқномалар

тайёрлашни бирмунча такомиллаштиришни талаб қилар эди. Бу усулнинг тўғрилиги шу билан тушунтириладики, молиявий ҳисобга олиш халқаро андозаларининг объектив равишдаги афзал томонлари қўйидагилардан иборат:

- ◆ Иқтисодий мантиқ аниқлиги;
- ◆ Ҳисобга олиш соҳасида замонавий жаҳон амалиётида тўланган энг қимматли тажрибалар умумлаштирилиши;
- ◆ Дунёнинг барча мамлакатларидаги молиявий ахборотдан фойдаланувчилар ушбу ахборотни осонлик билан тушуниши

Турли мамлакатларда ишлайдиган корхоналар молиявий ҳисоботлари консолидацияланиши шароитида халқаро андозалар компанияларнинг сарф-харажатларини қисқартирибгина қолмай, капитал жалб этишга қилинадиган сарфларни ҳам камайтириш имконини беради. Маълумки, капиталнинг бозор нархи истикболда самара олиш ва таваккалчилик каби иккита асосий омил билан белгиланади. Айрим таваккалчиликлар компаниялар фаолиятининг ўзи билан боғлиқ бўлади. Лекин баъзи таваккалчиликларни ахборот етишмаслиги, капитал сарфларининг самараси тўғрисида аниқ маълумотлар йўқлиги келтириб чиқарган. Андозалаштирилган молиявий ҳисобот мавжуд эмаслиги ахборот етишмаслигидан келиб чиқади.

Молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларнинг ўзига хос афзал жихатлари мавжудлиги туфайли улардан турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби олиш миллий амалиётида фойдаланишга интиломқдалар. Лекин молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларнинг камчиликларини ҳам таъкидлаш лозим. Жумладан, қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Андозалар умумлашма тарздалиги, бу эса ҳисобга олиш усуллариининг хилма-хиллигига йўл қўйиши;
- Андозаларни аниқ вазиятларга татбик этиш ҳусусида батафсил талқин ва мисоллар йўқлиги, бу эса уларнинг қўлланилишини қийинлаштириши;

Бухгалтерия ҳисоби халқаро андозалари қўмитаси ана шу мураккаблаштирувчи ва салбий омилларнинг барчасини эътиборга олмоқда, уларни бартараф этиш бўйича фаол ишлар қилинмоқда. Жумладан, 1989 йил 1 январда қўмита Е32 «Молиявий ҳужжатларни таққосланиши» ҳужжатини эълон қилди. Унда амалдаги молиявий ҳисоботлар халқаро андозалар рухсат этган ҳисобга олиш усулларини танлаш имкониятларини чеклаш бўйича 29 та таклиф киритилган. Бу ҳужжатни кўпчилик мутахассислар молиявий ҳисоботлар халқаро андозалар қўмитасининг энг яхши лойиҳаларидан бири деб ҳисобламоқдалар, у ҳисоботлар мазмунидаги қатор тафовутларни муайян даражада бартараф этиш ва халқаро контекстда қиёсий таҳлил ўтказишда ҳисоботларни ўзгартириш омилларини соддалаштириш имконини беради.

Хулоса.

Ушбу магистирлик диссертациясида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби тизиминининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилинди, ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, ушбу тажрибани Республикамизнинг маҳаллий шароитига мос тадбиқ қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Ушбу диссертациянинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат бўлди:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш зарурлиги ва унинг аҳамиятини кўрсатиб берилди;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этиш бўйича таклифлар берилди ва хориж тажрибасини ўрганилди;
- Солиқ ҳисоби юритилишидаги ўзига ҳос хусусиятлар ўрганилиб, уларни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар шакллантирилди;
- Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда молиявий ҳисоботни тузишнинг ўзига ҳос хусусиятлари, ҳозирги кунда жаҳон тажрибаси таҳлил этилди;
- Молиявий ҳисоботларнинг шаффофлик хусусиятлари таҳлил этилган ҳолда, корхоналарда ҳисобот ошкоралигини ошириш йўллари ишлаб чиқилди;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар устав капитали ҳисоби тизимидаги амалий масалалар аниқланди ва бу бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

Магистрлик диссертацияси доирасида ишлаб чиқилган тавсиялар ҳисоб тизимида қўлланилди ва олинган натижалар таҳлил этилди.

Магистирлик диссертацияси юзасидан ишлаб чиқилган асосий таклифлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳозирги кунда юртимизда амал қилаётган чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг ҳисоб тизими меъёрий ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тавсифланмаган. Бизнинг фикримизча, хорижий инвестицияларнинг ўзига ҳос хусусиятлари мавжудлиги ва бу турдаги корхоналар ҳисоб тизими ўзига ҳос хусусиятларга эга эканлиги инобатга олган ҳолда, бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳисоби бўйича стандарт яратиш анча мақсадга мувофиқ бўлади. Халқаро даражада 32- МХҲС “Биргаликдаги фаолият” амал қилмоқда. Бунинг натижасида ҳисоб тизимида ахборотлар таққосланувчанлиги яхшиланади. Ҳисоб тизимининг самарадорлигини оширишга, баҳсли ҳолатларни аниқ ҳал этиш имкони юзага келтиради.

2. Ҳозирги шароитда 21сонли БҲМС да келтирилган счётлар таркибида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар хусусиятларини тўлиқ ёритувчи счётлар мавжуд эмас. Бизнингча, тегишли органлар томонидан ушбу иккиламчи ҳисобварақлар, уларнинг қўлланиши бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши бу ҳолатни бартараф этишга ёрдам берган бўлар эди. Бундан ташқари ҳозирги кунда амалиётда чет эл капитали иштирокида корхоналарда мавжуд асосий жиҳат бўлган – 1011- “Ўз эҳтиёжи учун олиб кирилган ҳом ашё” ва 9421- “Вакиллик ҳаражатлари” ҳисобварақларини Миллий счётлар режасига олиб кириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг натижасида солиқ ва валютага оид жиноятларни олдини олиш имкони юзага келади ва ахборот шаффофлигини оширишга эришилади. Сабаби амалиётдаги ҳолат таҳлил этилганда, “Ўз эҳтиёжи учун олиб кирилган ҳом ашё” ларнинг мақсадли фойдаланмаслиги ҳолатлари жиноий жавобгарликларга олиб келмоқда.

3. Биз диссертация доирасида чет эл капитали иштирокидаги корхона ахборот шаффофлиги унинг аҳамияти уни ошириш заруриятини ўрганиб

чиқдик ва шаффофликни ошириш учун куйидаги таклифларни шакллантирдик:

- Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда намунавий ички назорат тизимини моделини ишлаб чиқиш ;
- Чет эл инвестициялари билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш . Бу борада жаҳонда “скоринг” тизими кенг қўлланилади ;
- Операцион ва молиявий ахборотларни информацион тизимлар орқали бошқариш ва электрон ҳужжат айланишини жорий этиш бўйича ишонарлилик даражасини ошириш;
- МХҲС (молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари) ни жалб этиш.

Бизнингча юқоридаги таклифлар асосида корхона ҳисоб тизими такомиллаштирилганда, корхонада ахборот шаффофлигини янада оширишга эришилади.

4. Молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида чет эллик ҳамкорлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ҳисоботларни хорижий валютага трансформация қилиш услуги биз томонимиздан тавсия қилинди. Бу услуб қўллаш натижасида чет эллик ҳамкорлар томонидан консолидациялашган ҳисобот тузиш имкони яратилади ва ахборот сифати ошади. Бизнингча бу усул ҳисоб сиёсатида кўрсатилган ҳолда корхоналар томонидан қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар МХҲС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) га ўтиш тажрибаси ўрганилган ҳолда, юзага келиши мумкин муаммолар кенгроқ ўрганилиши лозим. Бизнингча, келажакда халқаро стандартларга ўтиш жадаллашаётган бир пайтда замонавий усулларни янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж туғилади. Биз томонимиздан эса дастлабки босқичда, молиявий ҳисоботларни “трансформацион усул” ёрдамида тузиш тавсия қилинмоқда. Бу усул ўтиш босқичи учун корхоналар учун камҳаражат ва қулай.

6. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда ҳисоб тизимини ахборотлар самарадорлигини ошириш мақсадида унинг функционал хусусиятларини ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Функционал хусусиятлар бевосита стратегик ҳисоб истиқболли баҳолашлар таваккалчиликни баҳолашни ўзида мужассамлаштиради. Бизнингча ҳисобнинг бу тармоғи келажакда такомиллаштирилиши ва янада кенгрок ўрганилиши ҳали талаб этилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси – бухгалтерлик фаолиятини ривожлантириш заруратидан келиб чиқади. Тадқиқот натижалари амалиётда хориж инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини такомиллаштириш, яъни провард натижада –инвестицион жозибадорликкни ривожлантириш ва яхшилашга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар томонлама ривожланган ҳисоб тизими инвестициялар фойдалилигининг гаровидир. Шундай экан, бугунги кунда хорижий инвестициялар самарадорлиги ошириш мақсадида ҳисоб тизимини танқидий қайта кўриб чиқиш зарур. Халқаро стандартлар ўтишга эҳтиёжнинг ошиб бориши билан ҳисоб тизимини халқаро даражада такомиллаштириш йўналишлари ва услублари ишлаб чиқилиши талаб этади. Чет эл капитали самарали бўлиши учун корхона ахборот тизими етарли даражада шаффоф бўлиши лозим. Бу эса келажакда чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ҳисоб тизими янада чуқорроқ илмий изланишлар талаб этишини англатади.

Хулоса якунида шуни таъкидлаш жоизки, Республикамиз халқаро миқёсда жаҳоннинг етакчи ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли, ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорлик алоқалар ўрнатмоқда. Шу боис, Республикамиз амалиётига, халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларининг талабларига мувофиқ равишда миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиб боришни янада такомиллаштириш зарур деб биламиз.

ИЛОВАЛАР.

1 -илова

2012 йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми.

(мулкчилик шакллари бўйича)³⁹

(жамига нисбаттан фоизда)

	Давлат	Нодавлат	Шундан:		
			хусусий	Хўжалик бирлаш- малари	Қўшма корхоналар ва хорижий фукаролар
Ўзбекистон Республикаси	24,0	76,0	23,5	24,5	21,1
Республика Қарақалпоғистон	17,1	82,9	17,9	19,3	44,5
Андижон	16,1	83,9	29,7	15,5	38,5
Бухоро	11,8	88,2	16,1	16,1	54,3
Жиззах	42,2	57,8	35,1	20,1	2,4
Кашкадарё	8,2	91,8	17,2	24,4	8,2
Навоий	38,2	61,8	19,9	37,6	3,7
Наманган	19,7	80,3	49,3	26,1	4,9
Самарқанд	30,6	69,4	46,0	13,2	9,9
Сурхандарё	35,7	64,3	39,9	22,2	1,6
Сирдарё	50,7	49,3	20,7	25,6	2,8
Тошкент	10,3	89,7	22,3	44,7	20,6
Фарғона	37,7	62,3	26,9	22,6	12,3
Хоразм	34,7	65,3	41,2	20,6	2,7
Тошкент ш.	28,9	71,1	14,1	27,0	26,0

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. [Http:// stat.uz](http://stat.uz)


Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ўзлаштирилиши
(минтақалар бўйича)⁴⁰ 2012 йил (млн.АҚШ доллари)

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши млрд.сум		Хорижий инвестициялар % да	
	Хаммаси	Шу жумладан кредит	Жами	Асосий капиталга
Ўзбекистон Республикаси	2989,3	1154,2	100,0	19,6
Республика Қарақалпоғистон	242,4	5,1	8,1	25,7
Андижон	62,4	24,3	2,1	7,5
Бухоро	986,4	584,9	33,0	58,9
Жиззах	22,3	12,8	0,8	4,7
Кашкадарё	260,9	102,6	8,7	13,2
Навоий	44,6	25,2	1,5	4,8
Наманган	18,1	-	0,6	3,5
Самарқанд	39,2	17,3	1,3	3,9
Сурхандарё	79,7	74,0	2,7	14,6
Сирдарё	13,1	5,6	0,4	3,3
Тошкент	264,5	119,4	8,8	21,1
Фарғона	120,3	69,9	4,0	12,2
Хоразм	68,7	61,6	2,3	14,6
Тошкент ш.	766,7	51,5	25,7	23,9

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. [Http:// stat.uz](http://stat.uz)


Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотга қўшган ҳиссаси⁴¹

жамига фоизда



⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. [Http://: stat.uz](http://stat.uz)


**Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг янгидан
ташкил этилган корхоналар сонигаги улуши⁴²**



⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. [Http://: stat.uz](http://stat.uz)

Хорижий инвестицияларнинг фойдаланилиши
(тармоқлар бўйича)⁴³

Жами ҳажмга фоиз улушида



⁴³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. [Http:// stat.uz](http://stat.uz)

**Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспорт- импорт
ҳажми⁴⁴**

(млн.АҚШ доллари)

	Экспорт	% да 2011 й.	Импорт	% да 2012 й.
Ўзбекистон Республикаси	2014,8	110,4	3841,3	121,6
Республика Қарақалпоғистон	5,8	79,2	40,1	2,6р.
Андижон	661,0	102,0	1528,9	163,3
Бухоро	45,4	116,6	24,8	109,8
Жиззах	7,5	39,7	10,7	95,5
Кашкадарё	39,7	111,5	20,3	178,0
Навоий	15,8	99,1	8,5	87,1
Наманган	33,3	90,9	42,2	97,9
Самарқанд	67,3	138,5	186,4	166,2
Сурхандарё	14,1	85,6	6,5	172,5
Сирдарё	23,1	2,1	22,7	112,7
Тошкент	309,3	88,9	250,5	122,6
Фарғона	100,8	116,0	48,9	78,7
Хоразм	8,1	60,8	10,4	189,6
Тошкент ш.	683,6	137,0	1640,4	96,5

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. [Http:// stat.uz](http://stat.uz)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси». Қабул қилинган сана 25.12.2007, кучга кириш санаси 01.01.2008й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 26.12.1997 й. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 26.12.1997 й. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 30 декабр 1998 й.
6. “Чет эл инвестициялари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни №609-I . 30.04.1998 й.
7. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон республикаси қонуни №719-і. 24.12.1998 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармонига ўзгартиш киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони №ПФ-4515 15.03.2013 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 августдаги 347-сонли Қарори.

10. Тўғридан - тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг қарори №2312-1, 04.12.2012 й.

11. “Тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида “ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг қарори №2312 , 11.01.2012 й. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2002.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 1192-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2002 й.

13. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2002.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

14. Каримов И.А. «Инсон манфаатлари утуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир»– Т.: 2008 йил
Каримов И.А. «Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш - асосий вазифамиздир». Ўзбекистон овози газетаси. – Т.: 2007 йил.

15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. -Т.: “Халқ сўзи” газетаси. (3828)-сон. – Т.: 2006 й.

16. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент «Ўзбекистон» 2005 йил.

17. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз – бош йўлимиз. 15 феврал, 2002 йил.

18. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 393-бет.

19. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001, 265-бет.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012-йил яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // press-service.uz Ўз.Рес. Президентининг расмий портали.

21. IV. Асосий адабиётлар

22. Абдибаева Т.Ҳ., Мавлонов А.Х., Султонов Т.А., Асосий воситалар ҳисоби ва аудити;/ Ўқув қўлланма Т.: Фан ва технология, 2007; 103 б.

23. Бошқарув ҳисоби 2. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –186 б.

24. Бакиева Х., Ризаев Н. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. –324 б.

25. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. –604 б.

26. Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Янгийўл Полиграф Сервис, 2007. –352 б.

27. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби./Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия” 2008.

28. Ибрагимов А., Каримов А. Хорижий сармоялар бухгалтерия ҳисоби./Ўқув қўлланма–Т.: 2004 й.

29. Молиявий ҳисоб 2. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –252 б.

30. Молиявий ҳисоб 1. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –157 б.

31. Кўзиев И. Бошка тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Ўқув қўлланма./ И. Кўзиев, Х. Бокиева, М. Мухамедова. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008. - 224 с

32. Останақулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007. –156 б.

33. Сотволдиев А. С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма./ А.С. Сотволдиев, Б.О.Болибеков. Т-"IQTISOD-MOLIYA", 2007 й. – 64 б.

34. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: Шарқ, 2004 й. –592 б.

35. Никитин В.Ю.Иностранные инвестиции: бухгалтерские, налоговые и правовые аспекты.; / Учебное пособие.; М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2011 г; 280 с.

36. Каморджанова Н.А., Катрошова И.В. Бухгалтерский финансовый учет 4-е издание дополненное «ПИТЕР» 2010г. 297с.

37. Беликова Т .Самоучитель Бухгалтерский и налоговый учет и отчетность «ПИТЕР» 2010г. 275с

38. Гуломова Ф. Бухгалтерия ҳисобидан мустақил ўрганиш учун қўлланма. (янги таҳрирда)-Т. “Norma” 2010 й. –334б.

V. Қўшимча адабиётлар.

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув

қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. -120 б.

40. Бабаев Ю., Бухгалтерский учет.; /Учебник.; М.: ТК Велби, 2005 г; 392 с.

41. Бабаева Ю., Бухгалтерский финансовый учет.; /Учебник; М.: Вузов. 2005 г; 525 с.

42. Рогуленко Т.М. Бухгалтерский учет; / Учебник; М.: Финансы и статистика, 2007; 368 с.

43. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет.;/ Учебник. М.: ТК Велби, Издво Проспект, 2007; 448 с.

44. Финансовый учет.; /Учебник.; М.: Финан. И статист, 2008; -784 с.

45. Антоненко И., Бухгалтерский учет и налогообложение лизинговых операций.;/ Учебное пособие. М.: «Бухгал. Учет» 2005; 136 с.Е.М. Правовые основы бухгалтерского, налогового и бюджетного учета; / Учебное пособие.; М.: Юриспруденция, 2008; 112 с.

46. Белов А.А., Бухгалтерский учет; / Уч. пособие; М.: Книжный мир, 2008 г; 748 с.

47. Богаченко В.М., 3000 основных бухгалтерских проводок;/ Учебнопрактикое пособие; Ростов на Дону, ФЕНИКС, 2008 г; 352 с.

48. Кузнецова В.А. Организация бухгалтерского и налогового учета на предприятиях с иностранными инвестициями; / Учебное пособие.; М.: Бераторпаблишинг, 2008; 352 с.

49. Никитина В., Бухгалтерский учет и налогообложение операций с ценными бумагами;/ Практическая пособие.; М.: «Экзамен», 2008; 368 с.

50. Николаева Г., Бухгалтерский учет в торговле; / Учеб. Прак. Пособ.; М.: Приориздат, 2008; 352 с.

51. Николаева О., Управленческий учет; / Учеб. Пособ.; М.: УРСС, 2008; 320 с.

52. Новодворский В., Бухгалтерская отчетность организации.; / Учебное пособие. М.: «Бухгалтерский учёт», 2008; 376 с.

53. Новодворский В.Д. Бухгалтерский учет на малых предприятиях;/ Учебник; М.: ТК Велби, Издво Проспект, 2007; 296 с.
54. Новодворский В.Д., Л.В.Пономарева, Комментарии к новым формам бухгалтерской отчетности организации; Уч. пособие; М.: «Бухгалтерский учет», 2007; 192 с.
55. Паклар А.Н. Налоговый учет; / Учебное пособие; М.: ЗАО Юстицинформ, 2007; 544 с.
56. Патров В. Бухгалтерская отчетность организации;/Учебное пособие. М.: МЦФЭР, 2008; 432 с.
57. Полисюк Г.Б., Упрощенная система налогообложения, учета и отчетности малых предприятий.; / Учеб. Пособ.; М.: «Палеотип», 2008; 164 с.
58. Полякова С.И. Бухгалтерский учет; / Учебное пособие.; М.: ИНФРАМ, 2007; 391 с.
59. Рожнова О.В., Учет и налогообложение в субъектах малого предпринимательства;/ Уч. пособие; М.: «Экзамен», 2007; 128 с.
60. Сборник задач по бухгалтерскому учету с решениями.; / Учеб. Пособ.; М.: ТК Велби, 2007; 704 с.
61. Сугаипова И.В., Бухгалтерская финансовая отчетность; / Уч. пособие; Ростов на Дону, ФЕНИКС, 2007; 224 с.
62. Тепляков А.Б. Оформление первичных документов в бухгалтерском учете и налогообложении;/ Учебное пособие.; М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2007; 304 с.
63. Жўраев О.Н. Молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Иқт.фан.номзодлик диссертацияси автореферати.- Т.; 2005. -152 бет.
64. Иқтисодиётни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солиқ механизмнинг ўрни, 14-15 май 2009 йил. Солиқ академияси.

65. Bromwich M., Hong Ch. Activity-based costing systems and incremental costs. // Management Accounting Research, 1999. № 10, p. 39-60.
66. Goldratt E. M. Cost Accounting: The Number One Enemy of Productivity. International Conference Proceedings, American Production and Inventory Control Society. 1983.
67. Goldratt E. M. From Cost World to Throughput World. // Advances in Management Accounting. 1992. P. 35-53.
68. Goldratt E. M. It's Not Luck. Great Barrington, MA: North River Press, Inc., 1986.
69. Greeson CB., Kocakulah M.C. Implementing an ABC Pilot at Whirlpool. // Journal of Cost Management. March/April 1997. P. 16-21.
70. Drury Collin. Management and Cost Accounting, 4 Edition. International Thomson Business Press, 1996.
71. Healy J. P., Stephens R. G. Accounting for Scrap in Multiphase Sequential Production Processes Using ABC. // Journal of Cost Management. January/ February 1999. P. 3-9. Y
72. Homgren C R., Foster G. Cost Accounting. Prentice Hall, USA, 1991.
73. Horvath P., Gleich R., Schmidt S. Linking Target Costing to ABC at a US Automotive Supplier. // Journal of Cost Management. March/April 1998. P. 16-24.
74. Huang Li-Hua. The Integration of Activity-Based Costing and the Theory of Constraints. // Journal of Cost Management. November/December 1999. P. 21-27.
75. Johnson H.T., Kaplan R.S. Relevance Lost: The Rise and the Fall of Management Accounting. Boston: Harvard University Press, 1987.
76. Kaplan Robert S. Cost and Effect: Using Integrated Cost System to Drive Profitability and Performance. President and Fellows of Harvard College, USA, 1998.
77. Kaplan Robert S. The Four Stage Model of Cost System Design. // Management Accounting. February 1990, p. 22-26.

78. Kee R. C Using Economic Value Added with ABC to enhance your production-related Decision Making. // Journal of Cost Management. December, 1999. P. 3-15.
79. Lawson R. Beyond ABC: Process-Based Costing. // Journal of Cost Management. Fall 1994. P. 33-43.
80. Lawson R. Process-Based Costing at Community Health Plant. // Journal of Cost Management. Volume 10, № 1, 1996. P. 31-43.
81. Maguire N. G., Peacock E. Evaluating the Cost of Lead-Time on the Supplier Selection Process: an ABC Driven Methodology. // Journal of Cost Management. November/December 1998. P. 27-37.
82. Mahalingam M.S., Balachandran B.V., Kohli F.C. Activity-Based Management for Systems 'Consulting Industry. // Journal of Cost Management. May/June 1999. P. 4-15.
83. Ruhl J.M. An Introduction to the Theory of Constraints. // Journal of Cost Management. Volume 10, 1996. P. 43-48.
84. Smith M. Strategic Management Accounting. The public sector challenge. // Management Accounting. Volume 78(1), 2000. P. 40-42.
85. Sopariwala P. S. Using Practical Capacity for Determining Fixed Overhead Rates. // Journal of Cost Management. September/ October 1998. P. 34
86. Staubus G.J. Activity Costing and Input-Output Accounting. Homewood, Illinois, 1971.
87. Strategic Management Accounting. The public sector challenge. // Management Accounting. Volume 78. January 2000.
88. Umble M.M., Umble E.J. How to apply the Theory of Constraints' Five-Step Process of Continuous Improvement. // Journal of Cost Management. September/October 1998. P. 5-14.
89. Williamson D. Cost and Management Accounting. Prentice Hall Europe, 1996.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

90. «Бозор, пул ва кредит» журнали. –Т.: 2007-2012 йиллар
91. «Солиқ тўловчи» журнали. –Т.: 2007-2012 йиллар
92. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси. –Т.: 2007-2012 йиллар

VII. Интернет сайтлари

- [http:// www.fmc.uz](http://www.fmc.uz). (Ўз. Рес. Молия Вазирлиги)
93. [http:// www.buh.uz](http://www.buh.uz). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 94. [http:// www.berator.uz](http://www.berator.uz). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 95. [http:// www.cipa.uz/](http://www.cipa.uz/) CIPAEN нинг расмий сайти)
 96. [http://www. taxsites.com](http://www.taxsites.com). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 97. <http://www.accounting.com>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 98. <http://www.fasb.org>. МҲХС бўйича расмий сайт
 99. <http://www.buhgalteria.com.ua>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 100. <http://www.lc.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 101. <http://www.gaap.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 102. <http://www.glavbukh.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 103. <http://www.saldo.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
 104. <http://www.lex.uz> (Ўз. Рес. Адлия Вазирлигининг қонунчилик бўйича сайти)
 105. <http://www.stat.uz> (Ўз.Рес. Статистика қўмитасининг расмий сайти)